

#УЙДА ҚОЛИНГ, БИЗ СИЗ УЧУН ХИЗМАТДАМИЗ!



WWW.MV-VATANPARVAR.UZ

@VATAN@EVO.UZ

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR



Сайтга ўтиш учун QR-кодни телефон орқали сканер қилинг.



● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи, Республика бош давлат санитария инспектори Нурмат Отабеков расмий баёнот билан чиқди.

Унга кўра, 2 апрель санасидан бошлаб 65 ёшдан ошган фуқароларнинг кўчага чиқиши тақиқланади. Эҳтиёж юзасидан озиқ-овқат маҳсулотлари ёки дори-дармонга чиқиш ҳоллари бундан истисно.

● Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Элмира Боситхонованинг маълум қилишича, карантин вақтида аҳолига кўрсатилган моддий ёрдамнинг изчил ва шаффоф бўлишини таъминлаш, бу борада турли гумонларга йўл қўймаслик ва аниқликни таъминлаш мақсадида вазирлик тизимида ягона марказ ташкил этилди. Шунингдек, яқна тартибдаги хайрия акциялари вақтинча тўхтатилади. Эҳтиёжманд оилаларга бериладиган ёрдамни Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказига олиб келиш таклиф этилади. 2 апрелдан бошлаб 13 ҳудудда марказлар иш бошлайди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

O'ZBEKISTON



HAFTA ICHIDA

7 ЭР ЙИГИТГА ШАРАФЛИСИ – ВАТАН ЧАҚИРИГИ

12 ТОУН – ВАБО

14 АДАБИЁТГА ОШИҚ ИНСОН ҚИССАСИ

22 «ОЙИ, ГАДОЙ, ГАДОЙ КЕЛДИ!»

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press

facebook.com/UzArmiya

instagram.com/uzbekistanarmy

2020 йил 3 апрель, №14 (2869)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб, Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. **Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 10 000 000 (ўн миллион) сўм миқдоридан** бир йўла пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Маҳалла ва оилани

қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги, Марказий банки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали топширилишини** таъминласинлар.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 март

Ш. МИРЗИЁЕВ

#UydaQoling – Мудофаа вазирлиги аҳолини уйда қолишга чақирмоқда

Ўзбекистон мудофаа вазирининг топшириғига мувофиқ, аҳоли ўртасида COVID - 19 коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш ҳамда одамларни уйдан чиқмасликка чақирувчи эшиттиришни узатиш учун қўшинларда мавжуд бўлган ЗС-82 станциясидан фойдаланилмоқда.



Радиацион, кимёвий ва биологик муҳофаз бўлинмалари ҳамда Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассислари билан республика мизининг шаҳар ва туманларида ўтказилган тактик ўқув машғулоти давомида

худоудларни дезинфекция қилиш, аҳоли ўртасида коронавирус касаллиги тарқалишининг олдини олиш борасида маълумот бериш ҳамда одамларни заруратсиз уйни тарк этмаслигига чақиривчи каби вазибалар бажарилмоқда.

Ушбу машғулотларда ЗС-82 овоз эшиттириш станциясидан ҳам кенг фойдаланилди. Таъкидлаш жоизки, зирҳланган жанговар машина базасидаги ушбу станция халқни уйда қолишга чорловчи чақиривчи эзилган аудиоёзувни 6 километр масофагача тарқатиш хусусиятига эга. Жанговар техника сувда ҳаракатланиш учун ҳам мўлжалланган.

ЎЗА хабари асосида тайёрланди.



Қўмондонликда радиоэслатма тизими жорий этилди

Бугун коронавирус мамлакатимизда кенг тарқалиб кетилишининг олдини олиш борасида аниқ натижага қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу синовли кунларда ҳарбийлар ҳам фаол иштирок этмоқда.



Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги бошқарув аппаратида коронавирус касаллигининг олдини олиш бўйича махсус радиоэслатма тизими жорий этилди. Бунда юрт ҳимоячиларига шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, антисептик воситалардан фойдаланиш бўйича тавсиялар бериб борилмоқда. Коронавирус эпидемиясининг олдини олишда, шахсий таркибининг саломатлигини назорат қилишда муҳим ўрин тутмоқда.

Ҳарбий тиббиёт ходимлари томонидан эса ҳарбий қисм ҳудуди, назорат-ўтиш жойлари, хизмат хоналарида мунтазам равишда дезинфекция ишлари олиб борилмоқда, ҳарбий хизматчиларнинг саломатлиги доимо шифокорлар назоратида.

Шунингдек, қўмондонлик ҳарбий хизматчилари томонидан республика бўйлаб бозорлар, савдо мажмуалари, қўриқланаётган объектлар, ҳарбий шаҳарчалар худудларида касаллик профилактикасига қаратилган акциялар ўтказилмоқда. Ана шундай

тадбирлардан бири пойтахтнинг Юнусобод туманида жойлашган Korzinka.uz савдо мажмуасида «Коронавирусга қарши биргаликда курашамиз» шиори остида ўтказилди.

Мазкур акция давомида ҳамюртларимизга касаллик ва унинг профилактикасига оид маълумотларни ўзида жамлаган буклетлар ҳамда тиббий ниқоблар тарқатилди. Жумладан, қўмондонлик ҳарбий хизматчиси кичик сержант Зиёдулла Ғофуровнинг рафиқаси томонидан тикилган тиббий ниқоблар юртдошларимизга беминнат ёрдам сифатида бепул тақдим этилди.

Тадбир давомида ҳарбий хизматчилар томонидан коронавирусдан ҳимояланиш учун шахсий гигиенага қатъий амал қилиш ва карантин қоидаларига тўлиқ риоя этиш лозимлиги, уйда қолиш касалликини юқтириб олмасликнинг муҳим омил эканлиги ҳам тушунтириб ўтилди.

**Капитан Фарид Бобожонова,
Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги матбуот хизмати бошлиғи**

«СИЗ БИЗ УЧУН АРДОҚЛИСИЗ»



Ватан ҳамиша мард ва фидойи фарзандларига суянади. Бу ҳаётини ҳақиқат исботини мамлакатимиз карантин даврини бошдан

кечиряётган бир паллада ҳам кўряпмиз. Бу даврда ҳарбий хизматчиларнинг фаоллиги янада яққол сезилди. Шаҳарларга кириш ва чиқиш постларида, карантинга олинган объектларда ҳарбийлар туну кун ўз хизмат вазифаларини адо этаётганини кўряпмиз. Эътибор беринг: мамлакат бўйлаб олиб борилаётган дезинфекция қилиш тадбирларида ҳам улар фаоллик қиляпти. Яъни бугунги давр учун муҳим бўлган энг масъулиятли вазифаларни юртининг асл фарзандлари адо этияпти! Мен бу фидойиликни ватанпарварликнинг энг юксак кўриниши деб биланман. Ҳарбийларнинг мардонавор хизмати мислсиз қаҳрамонлик кўрсатаётган шифокорлар қато-

рида эҳтиромга сазовор.

Азиз ўғлонларим! Билсангиз бугун сиз амалга ошираётган эзгулик шундай улғу ишки, унинг савоби, ажрини сўз билан таърифлаш, қиймат билан ўлчаш мушкул. Бу ҳақда ўйлаганим сари сизга бўлган меҳрим, ҳурматим осяпти. Юрагимда ёруғ кунлар яқинлигига ишонч мустаҳкамланыпти, таскин топялман. Тилагим, бахтимизга омон бўлинг. Зеро, биз сизлар туфайли уйда тинч, хотиржам ҳаёт кечиряпмиз. Аслида инсон учун тинчлик ва хотиржамликдан ортиқ бахт йўқ эканлигини бугун ҳар бир юртдошимиз янада теранроқ англаяпти. Илоҳим, соғ бўлинг. Улғу мақсад йўлида туганмас куч-қувват, сабр-бардош тилайман. Унутманг, сиз Ватан ва ватандошларингиз учун ардоқли ва қадрлисиз!

**Чўлпоний МЕЛИҚЎЗИЕВА
Яшнобод тумани
Бойқўрғон маҳалласи фаоли**

«УЙДА ҚОЛИНГ»

Коронавирус туфайли халқимиз синовли дамларни бошдан кечирмоқда. Аини вазиятда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги шахсий таркиби ҳам коронавирус эпидемиясига қарши курашиш мақсадида бор имкониятларни сафарбар этишмоқда. Мамлакатимиз хавфсизлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини асраб-авайлаш – ҳарбий хизматчиларнинг асосий вазифаси. Шу боис Ватан ҳимоячилари томонидан коронавирус пандемиясини бартараф этиш бўйича ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди.

2020 йилнинг 27 мартдан 20 апрелига қадар Қуролли Кучлар Бош штаби Радиацион кимёвий биологик муҳофаза қўшинлари ва Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология нazorат маркази ҳамкорлигида республикаимизнинг барча ҳудудларида махсус тактик ўқув машғулоти ўтказилмоқда. Мақсад – аҳоли кўп тўпланадиган жамоат жойлари, савдо марказлари ва бозорларда кенг масштабда дезинфекция ишларини олиб бориш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, фуқароларимиз хавфсизлиги, саломатлигини таъминлашдан иборат.

Таъкидлаш керакки, коронавирус пандемиясининг кириб келиши ва мамлакатимизда карантин эълон қилинганлиги муносабати билан Мудофаа вазирлигида тезкор штаб фаолияти йўлга қўйилди. Унда ҳарбий хизматчилар томонидан

Мудофаа вазирлиги тизимида коронавирус эпидемиясига қарши қандай ишлар олиб борилмоқда?



Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда дезинфекция ишларини амалга оширмоқда. Маълумот ўрнида айтиш лозимки, гепохлорид натрий, биоактив хлор, супер хлор, Жавил-Д каби дори воситалари аралашмасидан тайёрланган суюқлик ўз таркибидан 50 фоиз актив хлорни сақлайди.

ҳал этиш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз ҳисобланади. Ушбу глобал масалада барча тегишли идора ва ташкилотлар халқимиз соғлиғини ҳимоя қилиш учун муносиб ҳисса қўшапти.

Жумладан, пойтахтимиздаги йирик савдо марказлари, Олой, Эски Жува, Миробод, Юнусобод каби деҳқон бозорлари, серкатнов кўчалар, ер ости ўтиш жойлари ҳамда чиқиндиҳоналарда ўтказилаётган

матонати, жасоратини амалда намоён этишмоқда. Албатта, ҳам-жиҳатликда олиб борилаётган бундай саъй-ҳаракатлар натижа-сида мамлакатимизда коронавирус эпидемияси устидан тезроқ ғалаба қозонишга хизмат қилади.

Шунингдек, Тошкент ҳарбий округига қарашли умумқўшин полигонидан 1,5 минг кишилик юқумли касалликларга мўлжалланган дала шароитидаги Ҳарбий-тиббий госпиталь ташкил қилинди. Бу ерда қабул-саралаш, санитар-ўтказиш, беморларга санитар ишлов бериш, изоляция каби бўлимлар фаолияти йўлга қўйилди. Госпиталда рентген, электрокардиография, ультратовуш текшируви, ўпка тўқималарини текширувдан ўтказиш пункти, умумий қон ва сийдик таҳлили, биокимёвий таҳлил лабораториялари ҳамда кўчма ҳарбий-тиббий мобил марказ мавжуд бўлиб, Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг малакали шифокорлари фаолият олиб боради.

Дала-ўқув майдонининг бошқа бир қисмида беморлар учун зарур шароитларга эга бўлган чодирлар ҳам ўрнатилди. Уларда карантинда сақланаётган фуқаролар овқатланиши, ювениши, дам олиши ва бошқа қулайликлардан фойдаланиши мумкин бўлади. Шунингдек, бу ерда она ва болалар учун махсус жойлар ташкил этилди. Чунончи, республикаимиз бўйлаб Мудофаа вазирлиги томонидан қўшимча карантин жойлари тайёрлаб қўйилганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Албатта, бундай синовли кўнларда ҳар бир вазирлик ва идора, ҳар бир фуқароларимиз ушбу офатнинг тезроқ чекинishi учун ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, коронавирус пандемиясига қарши курашда энг самарадор усул – қатъий интизом ва белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилиш. Барча мутасадди ташкилотлар



блок постлар, карантинга олинган ҳудудлар бўйича маълумотлар йиғилиб, доимий равишда тегишли вазирлик ва идоралар билан мувофиқлаштирилиб борилмоқда. Мах-

Бу, ҳеч шубҳасиз, барча турдаги зарарли вирусларни йўқ қилади. Хусусан, у коронавирус пандемиясига қарши энг самарали восита

махсус тактик ўқув машғулоти доирасида ҳар куни тўлиқ дезинфекция қилинмоқда. Бу билан Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизмат-



сус тактик ўқувида ҳар куни эрта тонгдан махсус кийим-бош билан жиҳозланган Мудофаа вазирлигининг ҳарбий хизматчилари 100 дан ортиқ махсус ихтисослаштирилган техникалар, дезинфекция воситалари билан пойтахтимиз,

ҳисобланади. Шу боис ҳарбий хизматчилар ҳам ушбу аралашма ёрдамида дезинфекция ишларини амалга оширмоқда. Дунёнинг 190 дан ортиқ давлатларида кириб борган коронавирус пандемиясига қарши курашиш, мазкур муаммони

чилари тожли вируснинг оммавий тарқалиб кетиш хавфининг олдини олишда шифокорлар, санитар-эпидемиологик осойишталикни сақлаш мутахассислари билан елкама-елка туриб, халқимиз, юртдошларимиз саломатлигини асрашда ўзининг

ҳалқимиз манфаати, саломатлиги йўлида хизматда экан, фуқароларимиз ҳам ушбу касалликнинг олдини олишда имкон қадар жорий тартиб-қоидаларга риоя қилишларини сўраб қоламиз.

ТАҲРИРИЯТ

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

«Адиб Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романига ёзган сўзбошисида академик Воҳид Зоҳидов уни меҳр куйчиси деб таърифлаган эди. Ёзувчи учун бу юксак, қалам аҳли учун эса орзули эътироф.

хазон бўлди. Шаҳримизга келибсан-у, кўз юмибсан-да, болам... Лоақал ман кўриб қолганимда ҳам... бағримга босардим, дардинга дармон бўлардим, кўзингни юмдиргани кўймасдим... Кўлимдан кўймасдим, худога ялиниб-ёлворардим, ажални даф этардим!..»

миз турли миллатлар учун бағрини очди. Ўзининг ҳам бағри бутун бўлса, кошки эди. Дала-деҳқончилик ишлари хотин-халаж, урушдан яраланиб қайтган яримжонлару болаларга қараб қолган эди. Ҳамма нарса фронт учун эди. Кунжара еб ши-



ҲАЗРАТИ ИНСОН

Раҳмат Файзийнинг ижоди кенг қамровли. Адабиёт оламига ҳикоялари билан кириб келган, яхшигина публицистикаси бор, болажонлар учун ҳам ижод қилган. Аммо унга жаҳоний шухратни «Ҳазрати инсон» романи олиб келди. Роман бир қатор Ғарб ва Шарқ тилларига таржима қилинган.

Бугун орамызда «Сен етим эмасан» фильмини кўрмаган одам топилмас керак. Раҳмат Файзийнинг шу номли киноқиссаси асосида режиссёр Шухрат Аббосов суратга олган бу фильм бағрикенг, болажон, меҳридарё миллат шаънига янграб турувчи мангу кўшиқ, мангу достондир!

Бошқа халқларда қандай билмадим-у, аммо бизда бахтнинг энг улуғ ўлчови – фарзанд. Дунёнинг бутун бойлиги оёқларинг пойида бўлса ҳам фарзандинг бўлмаса, буни бадбахтликка йўйишади. Орзу-ҳавасларимиз, келажагимизни фарзанд билан боғлаймиз. «Ҳазрати инсон» асарининг бош қаҳрамонлари эр-хотин Маҳкам ва Меҳринисони фарзандсизлик ўртаб туради. Эътибор берган бўлсангиз, айрим одамлар инсоннинг энг заиф ва оғриқли жойига зарба беришдан роҳатланадилар. Қаҳрамонларимиз ҳам фарзандсизликлари туфайли кўп маломат ва таъналарни «ютишга» мажбур бўладилар.

Романда Ботир образи бор. У Меҳринисонинг жиёни, ота-онасидан эрта етим қолган. Онасининг вафотидан кейин Маҳкамнинг хонадониде улғайди. **Уни фронтга кузатиш лаҳзаларини ўқиймиз:** «Ховли юзида Маҳкам ака билан сўрашар экан:

– Ўғилчани кузатар эканмиз-да, уста, – деди йўгон овозини дўриллатиб Абдуҳафиз.

Маҳкам ака шошиб қолди, икки кўли кўксига, меҳмонларни қаёққа ўтказишни билмасди. «Ўғилчани кузатамиз». Раиснинг бу гапини ҳамма эшитди, Ботирнинг ўзи ҳам, Маҳкам ака ҳаяжон ичида «кўрдингми, хой» демоқчидай хотинига қаради».

Фарзандга интиқлик, ота деган тансиқ каломга интиқлик...

Яна ўқиймиз: «Ботир кўчанинг муюлишига бориб қолганида, ундан кўзини олмай йиғлаётган Меҳринисо овозининг борича қичқирди:

– Ботиржон, болам, узум эсимдан чиқибди.

Йигитлардан бири орқасига қайтмоқчи эди, Ботир уни тўхтатди, ўзи югуриб келди.

– Ма, муздаккина, ўртоқларинг билан еб кетарсан.

Ботир холасининг юзига тикилиб туриб, онасини кўрди. Гўдаклардек унинг бағрига отилиб, маҳкам кучоқлади».

Иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакатимизга икки юз мингдан зиёд гўдаклар эвакуация қилинган эди. Уларнинг ҳаммаси ҳам яшаб кетолган эмас. Катталар бардош бериши қийин бўлган бир неча кунлик йўл уларнинг ҳам тинка-мадорини қуритди. Романда ўлган болаларни (оҳхх... қандай оғир сўз, ёзаётиб қўлларим титраб кетди) тупроққа қўйишда Маҳкамнинг ҳолати шундай берилди: «...кўзига филт-филт ёш келди. «Эй худо, не кўргилик бу. Пешонамга зурриёт битмаганинга яраша, шу ёшга келганимда олдимга уч гўдакнинг мурдасини қўйиб, уларга гўрковлик қилгин, деганинг нимаси?...» Мурданинг пешонасини, юмук кўзларини, бошини силади... «Тупроқ тортиб келдим, болам? Қаерликсан? Киндик қонинг қаерга тўкилган? Исмнинг нима? Бахтсиз отанг ким, онанг ким? Туғилганимда бошлари кўкка етгандир? Не-не орзулари бор эди шўрликларнинг? Ҳаммаси

Азиз ўқувчи, бу оддий саволлар эмас, биргина Маҳкамнинг ҳам саволи эмас. Бу миллионлар умрига зомин бўлган, ҳатто гўдакларга ҳам шафқат қилмаган урушга лаянатдир.

«Лоақал ман кўриб қолганимда ҳам... бағримга босардим, дардинга дармон бўлардим».

Бу ҳам биргина Маҳкамнинг сўзи эмас, ўзбек деган олижаноб миллатнинг МЕҲР-ШАФҚАТИ! У шундай бағрига босди, дардларга дармон бўлди.

Яна романдан ўқиймиз:

« – Бизам биронтасини бағримизга олсақмикин, деб келувдик, – деди Маҳкам ака.

– Жуда яхши ўйлабсиз, ота. Ўғил болами ё қизча олмоқчимисиз?

– Барибир.

– Ёшроқ бўлсинми ё эсликроғими?

– Барибир, қизим.

– Қайси миллат боласи бўлгани маъқул?

Маҳкам аканинг аъзойи бадани титраб кетди. Ранги оқарди. Жувон буни пайқадими, йўқми, қўлидаги дафтарга алланималарни ёзишдан тўхтамади.

– Қизим, – деди зўрға ўзини босиб Маҳкам ака, – мен мол бозорига келганим йўқ. Тушундингизми?

– Ахир отахон...

– Ахир-пахирни йўқ! Индамасам, ориқми-семизми, кемшиқми-пучуқми, қорам-сарикми, деб сўрайдингиз ўхшайсиз?

– Вой отахон, миллатини сўрасам сиз...

– Ҳамма миллат боласи бир! Ҳаммасини худо яратган! Ҳаммаси одам боласи!»

Ҳа, шундай, ҳаммаси одам боласи, деган қараш билан халқи-

шиб ўлганларнинг саноғи ҳақида ҳалига қадар ҳеч қандай рақам очикланмади ёки умуман мавжуд эмас.

Иккинчи жаҳон уруши мамлакатимиздан олисларда кечди. Бироқ унинг акс садосини деярли ҳар бир хонадонда кўриш мумкин эди. Кимнингдир эри, отаси, ака-укалар кетма-кет фронтга йўл олдилар. Ҳамма ҳам қайтмади.

Ҳар гал уруш ҳақида ўқиганимда, фильмлар кўрганимда онаминг оналари Меҳри момом ва Ҳасан Кўлвор бувамни хотирлайман. Уларнинг ўғил-қизлари, набиралари, эваралари кўп, қўша қариган бахтли жуфт эдилар. Аммо ҳар доим уруш ҳақида сўз кетганида момом урушда бедарак кетган тўнғич ўғли Аҳрол-хонни тилга оларди: «Арол шўр урушга кетганида ҳали ўн еттига ҳам тўлмовди...» Ва муштдеккина бўлиб боши эгилиб қоларди, унга қўшилиб катта отам Ҳасан Кўлвор ҳам оппоқ бошини солантириб мунғайиб қоларди... Мен бу манзарага кўп гувоҳ бўлдим ва кўзларимда қолди. Энг ачинарлиси, ўн еттига тўлмаган ўша номаълум аскарнинг номи улкан, бир неча жилдли хотира китобларида йўқ?!

«Ҳазрати инсон» ҳақида сиз азиз ўқувчилар билан узоқ гаплашиш мумкин. Агар юртимизнинг уруш йиллари тарихига қизиқсангиз, бу китобни, албатта, ўқинг. Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистондан олисларда кечгани билан бу унинг ҳам тарихининг бир қисмидир. Бу Ҳазрати Инсон – Ўзбек ҳақида ёзилган бекиёс қиссадир!

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

“ Халқ бирлашадиган палла... Ҳа, бугун нафақат халқ, нафақат мамлакат ва қитъа, балки бутун дунё бирлашадиган пайт. Боиси коронавирус пандемияси бутун дунёни қамраб олишга улгурди. Агар баҳамжиҳат ҳаракат қилинмаса, оқибатда инсоният боши улкан фалокатлар ичида қолади.

Кексалар ҳолидан хабар олинди



Ҳар қандай аҳиллик ва тотувлик кичик жамоалардан бошланса, унинг истиқболдан умидвор бўлиш мумкин. Бугун Ўзбекистоннинг кўп сонли аҳолиси бир тану бир жон бўлиб ушбу касалликка қарши курашмоқда. Бу борада ҳар бир соҳа вакиллари ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажараётир.

30 март куни Республика Ҳарбий прокуратураси маҳкамаси ва Тошкент ҳарбий прокуратураси ходимлари Қуролли Кучлар академияси радиацион кимёвий биологик муҳофаза кўшинлари мутахассислари билан ҳамкорликда Яшнобод туманида жойлашган Фидойилар маҳалласида бўлиб, у ерда кенг қамровли дезинфекция ишларини амалга оширди.

Прокуратура ходимлари шунингдек, маҳаллада истиқомат қиладиган кекса, боқувчисиз қолган ёлғиз фуқароларимиз ҳолидан ҳам хабар олиб, уларга кундалик эҳтиёж учун зарур бўладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тиббий ниқоб ҳамда санитария-гигиеник воситалар улашди.

– Ҳарбий хизматчиларнинг фуқароларга кўрсатаётган бу каби ғамхўрлиги, албатта, маҳалламиз аҳлини чексиз шодлантирмоқда, – дейди Фидойилар маҳалласи раиси Асқар Ҳайдаров. – Бу, албатта, касалликни тезроқ ва талафотсиз бартараф этишда юртдошларимизга куч-ғайрат ва шижоат бағишламоқда.

И. НУРАЛИЕВ.

Адлия майори Осим УМАРОВ,
Тошкент ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Ниқоблар ортидаги ғамхўрлик

“ Иккинчи жаҳон урушида фашистлар армияси устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги арафасида Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари 30 март куни пойтахтимиздаги Учтепа туманида истиқомат қиладиган уруш фахрийлари ҳолидан хабар олди.

Дунё миқёсида долзарб масала сифатида бир неча ойдириқ, кун тартибда қолаётган – коронавирус инфекцияси боис карантин бўлишига қарамай, ҳарбий хизматчилар ўз гуманистик позицияси – халқимиз манфаати учун майдонга чиқиш аънанасига содиқ.

Ҳарбий хизматчилар Қирғизбой Камолов, Агзам Хабибуллин, Илья Корсаков, Ирина Савинова хонадонларига ташриф чоғида уларнинг Ғалабага қўшган ҳиссаси авлодларга ибрат бўлишини эътироф этди. Рўзғорбоп маҳсулотлар, вирусга қарши ниқоблар, антисептик воситалар улашилди. Хонадонлар ва қават зиналари дезинфекция қилинди.

Уруш фахрийлари ва уларнинг оила аъзолари синовли кунда шифокорлар каби халқимиз жонига оро кириб, миннат хизмат қиладиган ҳарбий хизматчиларга миннатдорлик билдирди.

А. АНВАРОВ



Ижтимоий фикр

Мастура АШУРОВА, уй бекаси:



пайтда бизга мадад бермоқда. Ҳарбийлар кўчаларда хизматда экан, биз уйда хотиржаммиз!

ИНТИЗОМ БИЛАН
ЕНГАМИЗ!

Вазият – «Ўзини асраганини худо ҳам асрайди» ва «Аяган кўзга чўп тушар» нақллари орасида кечмоқда

Биринчи воқеа. Карантин. 2020 йил 25 март. Соат 08:30. Истанбул – Фарғона авиақатнови билан бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанга олиб келинди. Олтиариқ туманидаги «Нуронийлар» санаторияси. Санитар кўриқдан ўтказиш давомида хориждан олиб келинган Ўзбекистон фуқароларининг 15 нафари томонидан норозилик билдирилди: мазкур карантин зонасидан ўзбошимчалик билан чиқиб кетиш учун назорат ўтказиш пункти (НўП) томон йўналди...

Иккинчи воқеа. Назорат ўтказиш пункти. Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари томонидан кучайтирилган тартибда хизмат олиб борилмоқда. Ҳозирча вазият ўзгаришсиз. Шу пайт руҳсатсиз ва кузатувчиларсиз ҳаракатланаётган 15 чоғли тартиббузар фуқаронинг НўПдан чиқиб кетмаслиги ва уларни тўхтатиш ҳақида рация орқали буйруқ берилди. Соқчи даставвал, тартиббузарларни огоҳлантирди. Бу иш бермағач, соқчи «Гарнизон ва қоровул» низомининг 185-моддасига биноан ҳавога огоҳлантирувчи ўқ узди! Шундан сўнг тартиббузарларнинг кўзлари «мошдай» очилиб, ортга тисарилди ва карантин қоидаларига эл қатори бўйсунди.



Биринчи изоҳ. Ўзбекистон ҳукумати коронавирус инфекцияси лаҳза сайин урчиб, инсониятга ниқоб тақтирган глобал вазиятда ўз фуқароларини хорижда (хусусан, инфекция ўчоқларида) қаровсиз қолишининг олдини олиб, Ватанга олиб келиш, уларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш сиёсатини амалга ошираётганини юртдошларимиз, халқимизга хос таҳлил йўсинида идрок этишлари лозим.

Ўзбошимчалик туфайли бир нафар касалланган фуқаро 400 дан ортиқ ватандошларимизга вирус юқтириши аниқ эканини жаҳон олимлари исботлади. Энди тасаввур қилинг, дейлик, ўша ўн беш фуқаро касалланган бўлса-ю, ҳар бири 400 нафардан ортиқ юртдошларимизга вирус юқтираверса, унда карантин деган гап қаерга кетади?! Хориждан келиб, санитар текширувларидан ўтмай, яқин қариндошига коронавирус инфекциясини юқтириши оқибатида ўлим ҳолати қайд этилганини эсланг! Э, кимга фойда, кимга зарар? Албатта, ўзимизга зарар бўлди-ку! Бу ҳар бир ўзбекистонликка ибрат бўлиши шарт.

Шифокорларга ишонайлик! Улар Ўзбекистонни коронавирусдан халос этади.

Иккинчи изоҳ. Бу вазиятда НўП соқчиси вазиятни тўғри баҳолаб, юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисанинг олдини олган. Худудда тартиб ўрнатган. Биз жазавага тушиш, ваҳима кўтариш, юрак ховучлаш ва кўрқув билан эмас, аксинча, интизом билан енгамиз, бу номинг ўчгур коронавирусни. Бу йўлда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари худди шифокорлар сингари тик оёқда тунни кунга улаб, ҳимоя ниқоби тарқатишдан тортиб, кўча-кўйни дезинфекция қилишига дову, бу ёғини сўрасангиз, карантин зоналарида ўрнатилган қоровуллик хизматлари орқали жанговар вазифани бажараётгани фуқароларимиз меҳр-муҳаббати ва олқишига сазовор бўлаётир.

Ҳарбий хизматчиларга ишонайлик! Улар Ўзбекистонни коронавирусдан халос этади.

Дарвоқе, Умуҳарбий низомларга ва назорат ўтиш пунктида хизмат ўташ йўриқномаларига мувофиқ оқилона қарор қабул қилган контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ҳасанбой Мухаммаджонов мудофаа вазирининг тегишли буйруғи билан тақдирланди.

✓ Хулоса шуки, кўпга келган синов пайтида бир каттанинг, бир кичикнинг гапига қулоқ солиб, ўзимизни асраш орқали жамиятимизни асрашга мажбурмиз!

А. ОМОНТУРДИЕВ

ИСКАНДАР МАҚИДУНЛИ

(иккинчи мақола)

*Жаҳонгашта саркарданинг феъли, фазилатлари,
дунёга қарашини, ақлу заковати ҳақида ҳикоялар*

ОНАНИНГ БИР ТОМЧИ КЎЗ ЁШИ

Салтанати ва қудрати тобора кенгайиб ва ортиб бораркан, Искандарга табиатан хос бўлган сахийлик хусусияти кучли намоён бўла бошлади. Сахийлик меҳр билан қўшилганда ҳақиқий қиймат касб этади. Искандарда ана шулар мужассам эди.

Македониялик оддий жангчи бир куни хазианага тегишли тиллани хачирга ортиб, ҳайдаб борарди. Хачир ҳолдан тойиб юрولмай қолганда жангчи юкни ўзи кўтариб олади. Шоҳ унинг азоб чекаётганини кўриб, гап нимадалигини суриштиради ва юкни ерга қўймоқчи бўлган жангчи шундай дейди:

– Бардам бўл, яна озгина чидагин-да, юкни ўз чодининга олиб борақол. Искандар совға сўрайверганлардан кўра, совға берганда рад қилувчиларни суймасди.

У дўстларига, ясовулларига, тунқотарларига ҳисобсиз ҳадялар берарди. Бундан онаси Олимпиада вавотирга тушиб, ўғлига тез-тез хат ёзарди:

– Дўстларингга мурувват ва меҳрибончилик қилишнинг бошқа йўлини топгин. Бу аҳволда сен уларни шоҳга тенглаштириб қўймоқдасан. Уларга дўст ва мулозим орттиришга имкон бериб, ўзингни ёлғизликка мубтало қилаётирсан, – дерди у. Бу мазмундаги таъналарини индамай эшитган Искандар хатларни сир сақларди. Фақат бир марта Гефестион одати бўйича муҳрни бўзиб, Олимпиаданинг хатини ўқиб бермоқчи бўлганда Искандар кўлидаги узугини ечиб, муҳри тарафини унинг лабига босади.

Шоҳ онасига жуда кўп тўхфалар жўнатиб турган, бироқ давлат ва ҳарб ишларига аралаштирмаган. Антипатр шоҳга Олимпиада устидан узундан узун шикоят ёзади. Искандар шикоятни ўқиб бўлиб:

– Онанинг бир томчи кўз ёши бунақа хатларнинг мингтасини унуттириб юборишини Антипатр билмайди-да, – деган экан.

КУЛЛАР ВА ШОҲЛАР ЎРТАСИДАГИ ФАРҚ



ичларингда?

– Ғалабанинг бизлар учун том мақсади мағлублар қилганини қилмаслик эканлигини билмайсанларми?

Искандарнинг ўзи эса юриш ва ов пайтида илгаригига нисбатан ҳам ортиқроқ даражада хавф-хатарга урар, ўзини ҳар жиҳатдан товларди.

ИСКАНДАР НИМА УЧУН БИР ҚУЛОҒИНИ БЕРКИТИБ ЎТИРГАН?

Искандарнинг ёр-биродарларига эътибори ва меҳрибончилиги кишини ҳайратга солади. У дўстлари ҳаётига тегишли энг майда ҳодисаларни ҳам назардан қочирмай хат ёзишга имкон топарди. Масалан, хатларининг бирини Киликияга қочиб кетган Селевкнинг қулини топишни буюради. Певкестга эса Кратернинг Никон деган қулини туттиргани учун миннатдорчилик билдиради. Мегабизга йўллаган мактубида эҳромга кириб паноҳ топган қул ҳақида ёзаркан, бир амаллаб уни эҳромдан чиқариб банди қилишни, лекин эҳром ичида унга тегинмасликни маслаҳат беради.

Искандарнинг подшоҳлик қилган дастлабки йиллари ҳақида ёзганларнинг ҳикоя қилишича, ўлим жазосига маҳкум этиладиган жиноий ишларни кўриш пайтида, айбловчи гапирётганда у қўли билан бир қулоғини беркитиб ўтираркан. Бунинг мазмуни шунки, айбловчининг таъсирига берилиб, бетарафлик туйғусини йўқотиб қўймай деркан.

Бироқ кейинчалик ҳақиқатни яшириш, уйдирма-ю ёлғонларни эшитавериб, кўравериш, унинг қаҳри қаттиқ бўлиб қолган.



БИР ДУБУЛҒА СУВ

Дорони таъқиб этиш жуда оғир ва машаққатли бўлди. Ун бир кун ичида уч минг стадий йўл босишга тўғри келди. Ҳамма ҳолдан тойди, айниқса, сувсизлик қаттиқ азоб берди. Қоқ туш пайти эди. Шу ерда дарёдан сув ташиётган македонияликлар Искандарнинг қаттиқ чанқганини кўриб, унга бир дубулғада сув тутдилар. Шоҳ улардан сувни кимга олиб кетаётганликларини сўраганда, улар шундай жавоб беришди:

– Ўғилларимизга. Лекин сен тирик бўлсанг бас, уларни йўқотсанг ҳам бошқаларини туғдириб оламиз.

Қўлида сув тўла дубулғани ушлаб турган Искандар ортига ўғирилди. Бутун лашқар унинг кўлидаги сувга кўз узмай қараб турарди. Шоҳ бир қултум ҳам ичмай дубулғани қайтараркан, сув тутганларга миннатдорчилик билан деди:

– Мен бир ўзим ичсам, буларнинг руҳи чўқади.

Искандарнинг олижаноблигини кўрган жангчилар отларига қамчи уриб, ҳайқирдилар:

– Шундай шоҳимиз бор экан, толиқишни, сувсашни ўйламаймиз! Биз ўладиган мавжудот эмасмиз!

ДОРОНИНГ ЧАНҚОҒИ ҚОНДИ

Искандарнинг жангчилари ниҳоят Дорони топдилар. У кўп жароҳат олган, ўзининг жанг аравасида ётар, ўлим бўсағасида эди. Доро сув сўради. Полистрат унга совуқ сув келтирди. Форслар шоҳи чанқоғини қондириб шундай деди:

– Бу олижаноблигинг учун яхшилик қила олмаслигим бахтсизлигининг энг чўққисидир. Сенга бунини Искандар қайтаради. Искандарга эса унинг онамга, хотинимга ва болаларимга кўрсатган олижаноблиги учун худодан қайтади. Унинг қўлини менинг учун қисиб қўй.

Искандар унинг жасади олдига келиб, изтироби яшириб ҳам ўтирмай, эгнидаги ёпинчиғини мурда устига ёпади. Унинг кўрсатмаси билан шоҳона парваришланган Доронинг жасади чуқур ҳурмат билан онасига юборилди. Искандар Эскатр исми укасини ўзига мулозим қилиб олди.

ИСКАНДАРНИНГ АҲВОЛИ ШУМИ?



Искандарнинг энг яқин дўстларидан бири Клитнинг фожиали ўлим топиши шундай кечган эди.

Искандар Юнонистондан совға сифатида келган меваларни тақсимлаш ва улашиш учун дўсти Клитни хузурига қаҳиртиради. Бу пайтда Клит худойи қилаётган эди. У маросимини тугатмай, Искандар хузурига етиб келади. Базм авжига чиққан, бир киши бир пайтлар варварлардан энгилган кекса қўмондонлар масқара қилинган қўшиқни ижро этарди. Ёши улғурок жангчиларнинг жаҳли чиқиб, шоирни ҳам, яллагани ҳам ҳақорат қила бошлаганларида Искандар ва бир неча ёш жангчилар хурсанд ҳолда қўшиқни давом эттираверишни буюрадилар. Клит қаттиқ ранжиб:

– Варварлар ва душманлар орасида македонлар устидан кулиш олижаноблик эмас. Ўша кекса македонлар ҳозирги мишиқилардан анча олижаноброқ бўлганлар, – дейди. Искандар:

– Қўрқоқликни олижаноблик деб ўзингни оқламоқчидирсан, – дея лўқма ташлайди. Бундан ғазабланган Клит сапчиб ўрнидан туради:

– Эй, худодлар бандаси! Спитридат шамшири орқа тарафдан бўйинингни узишга тайёр турганди, сени ана шу қўрқоқлигим асраб қолган! Македонларнинг қони ва мана бу чандиқлар эвазига сен шундай манман бўлиб қолдингки, отанг Филиппдан юз ўғириб, ўзингни Аммоннинг ўғли деб атамоқдасан! – дейди.

Бу сўзлар Искандарнинг юрагига наштар каби санчилади ва:

– Сен ярамас, ҳар бир вазиятдан фойдаланиб, мени ҳақорат қилиб келсан. Ҳар бир қулайликдан фойдаланиб, македонларни итотсизликка ундайсан. Қачонгача давом этади бу? – дея ҳайқиради. Бунга жавобан Клит шундай хитоб қилади:

– Ўз подшолари хузурига кириш учун форслардан рухсат олишга мажбур бўлаётган македонларни кўрмай ўлиб кетганларни бахтиёр македонлар деб ҳисобламоқдамиз!

Клит тилини тиймайди, унинг:

– Шоҳ бундан кейин базмларига фикрини очиб айтадиган озод одамларни эмас, варварлар ва қулларини тақлиф қилаверсан, – дейди. Ниҳоят Искандарнинг сабр косаси тўлади. Тўхтамай жавраётган Клитни ташқарига итариб чиқаришди, бироқ у бошқа эшиқдан кириб, Эврипиднинг «Андромаха» сидан ўқий бошлади.

Искандар ёнида турган қўриқчининг найзасини олиб, Клитга қарата отади. Найза унинг кўкрагини тешиб ўтади. Клит йиқиларкан, шоҳ нима қилиб қўйганини англайди. Мурданинг кўкрагидаги найзани сўғуриб, ўзининг томоғига санчаётганида уни тўхтатиб қоладилар.

Тун бўйи фарёб чекиб ётган Искандар эртасига ҳам ташқарига чиқмайди. Ҳеч кимнинг тасалли сўзлари уни юпатмайди. Фақат Анаксархнинг мана бу гаплари уни биров ўзига келтиради:

– Бутун дунё ўзининг халоскори деб кўз тикиб турган Искандарнинг аҳволи шуми? Бунинг қаринг, у бир ожиз қулдек маломатлардан даҳшатга тушиб, хотинчалиш кайфиятда мотам тутиб ётибди. Ваҳоланки, қонун-қоида ҳам, йиғлатувчи ҳам унинг ўзи. У қиз боладай ҳиқиллаб ётиш учун ярим дунёни забт этганимиди?

Бу гаплар Искандарни анча ўзига келтиради. Бироқ бора-бора бундай мақтовлар унинг янада димоғдор ва қонунларни менсимайдиган бўлиб қолишига хизмат қилган.



ЖАСОРАТЛИ СЎЗ

ЭРАН АЛПИ УҚИШТИ

Чақирув ҳақида эрталабдан ўйлаб, бу сўзни суҳбатга тортдим. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида унинг ўзакдошлари ҳам бор экан. Бири «чақирик». Унинг маъноси «чақириш мақсадида айтилган сўз, гаплар», яна бир маъноси «бирор хатти-ҳаракатга ундаш, даъват», яна бири «хонадонда бирор муносабат билан ўтказиладиган меҳмондорчилик, зиёфат» дейилган. Кейингиси «чақирим» сўзи. Бу сўз чақирилганда маълум масофани босиб келганда «чақирим» бўлман, деди. Аждодлар бугунги 1,06 километрга тенг масофани «чақирим» деган.

«Эран алпи уқиштилари». Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк» китоби 138-бетиде шундай ёзилган. Маъноси «Ботир эрлар бир-бирини чақириши». Китобнинг 140-бетиде: «уқиштилари – чақиришдилар. Олар бир-икинди бирла уқиштилари – улар бир-бирини чақирдилар», деб битилган. Ботирлар чақируви – мардлик синови. Қадимда туркий боболар чақирик, чақируви «уқишти» дейишган. Бугун мuddатли ҳарбий хизматга йўл олаётганларга қадим туркийчасига «Ботир эрларни Ватан уқишти», дегим келди. Эран, эр йигитга энг шарафлиси – Ватан чақириғи.

ЧАҚИРИҚ ВА ХАВОТИР

Фақат Ватан чақирмайди. Қалбиде юртга иссиқлик бўлганлар ҳам чақиради. Юртга нисбатан ишлатиладиган «муҳаббат»га Қошғарий бобо «иссиқлик» деганидан руҳланиб, шундай ёзди. Масалан, йигирманчи аср бошида жадидлар, илғор фикрли зиёлилар, улар фаолият юритган наشرлар бизни нимага чақирган ёки даъват қилган?

Филология фанлари номзода, доцент Бойбўта Дўстқораевнинг ёзишича, «Садои Фарғона» газетаси Биринчи жаҳон уруши воқеаларини имкони даражасида ёритиб борган. Газета Туркиянинг жаҳон урушига аралашуви масаласига алоҳида эътибор қаратади. Халқаро аҳвол масалаларини турли газеталардан иқтибос олган ҳолда, Петербург (1914 йил июлдан бошлаб Петроград) телеграф агентлигининг хабарларига таянган ҳолда ёритган. Уруш бошланганидан кўп ўтмай, «Садои Фарғона» ҳарбий цензура назоратидан ўтагани бўлади. Шу боис унинг айрим сонларида очик (бўш) жойлар мавжуд. Булар, шубҳасиз, ҳарбий цензура томонидан олиб ташланган материалларнинг ўрнидир.

Бундан иккита хулоса келиб чиқади. Биринчидан, уруш билан боғлиқ мавзунини зиёлиларимиз профессионал даражада ёритгани, бизни уйғонишга, эркимизни қўлга олишга чақиргани учун ҳарбий цензура ахборотга, наشرларга чеклов ўрнатган. Иккинчидан, мустабид тузум мафқураси ҳарбий сир деб ҳисоблаган, чекланган ахборотни муҳофаза қилишга зарурат сеза бошлаган. Мазлум халқ билиши керак бўлмаган маълумот кучидан қўриқшган.

Шу ўринда ҳарбий цензура ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтсак.

Ҳарбий цензура – ҳарбий ва бошқа давлат органлари томонидан очик ахборот устидан (матбуот, радио, телевидение, кино, тасвирий санъат асарлари, музей экспозициялари ва х.к.) назорат ўрнатилиш усулларидан бири. Баъзан таркибиде ҳарбий сир, ҳарбий характердаги маълумот бўлган шахсий ёзишмалар, хатлар ҳам ошкор бўлиб кетмаслиги учун ҳарбий цензура назоратига олинган.


Ҳарбий цензура алоҳида давлат институти сифатида XIX асрдан шакллана бошлаган. Бироқ цензура назорати сифатида бироз олдин пайдо бўлади. Масалан, Россияда ҳарбий цензор лавозими 1810 йилда, АҚШда эса фуқаролар уруши даврида, яъни



ҳарбий губернатори вилоятда маҳаллий халқ тилида газета чиқариш, уни назорат қилиш учун цензор бўладиган мутахассис сўраб, юқорига мурожаат қилиши беҳиз эмас. Миллий уйғониш, эрк, озодлик йўлидаги чақирикдан хавотир шундай бўлган.

ҚИЛИЧДЕК КЕСКИР, ОЛОВДЕК МУРОСАСИЗ

Бойбўта Дўстқораевнинг «Ўзбекистон журналистикаси тарихи» дарслиги 223-саҳифасида ҳуқуқшунос, маърифатпарвар Убайдулла Асадуллаҳўжаев муҳаррирлигида чоп этилган, жадидларнинг энг сеvimли наشرларидан бўлган «Садои Туркистон»нинг уруш мавзусини қандай ёритгани тилга олинади. Яъни газетанинг 1914 йил 38-сониде Убайдулла



ЭР ЙИГИТГА ШАРАФЛИСИ – ВАТАН ЧАҚИРИҒИ

1861 йилда илк бор киритилган.

Ҳарбий цензура асосан қуйидагиларни назорат қилади:

- ҳарбий идоралар томонидан бошқариладиган ҳудудда фуқаролар билан коммуникацияни;
- ОАВнинг Қуролли Кучларга алоқадор материалларини;



- ҳарбий асирлар ва ушлаб турилган фуқаролар хатларини;
- армия ва ҳарбий объектлардан йўлланадиган, шунингдек армия ва ҳарбий объектларга йўлланадиган почта жўнатмаларини;
- Қуролли Кучлар хизматларининг шахсий коммуникациясини.

Қоғозда, ҳужжатда шундай. Аслида чор Россияси зиёлиларимизнинг газеталар орқали чақирғига жавобан миллат уйғониши, ўзини, ўзлигини топишидан қўрққан. Бунга мисолимиз бор. Филология фанлари номзода Сайёра Ҳалимова шундай ёзди: «Шуниси диққатга сазоворки, ҳарбий губернатор хали газета чиқарилмасиданоқ уни назорат қилиш режасини тузишга киришган. Ҳарбий губернатор ўз ихтиёрида бу режани рўёбга чиқара оладиган мутахассис тафтишчининг йўқлигини билдириб, газетани кузатиб бориш ва уни цензурадан ўтказиш ишига маҳаллий халқ тилини яхши билладиган шарқшунос мутахассисларни жалб этиш имконияти бор-йўқлигини хабарлашни Туркистон генерал-губернаторидан илтимос қилган ва унга газетани тафтишдан ўтказишни кимга топшириш мумкинлигига доир ўз мулоҳазасини билдирган. Сирдарё ҳарбий губернатори мазкур ишни ҳақиқий статс советник Н.П. Остроумов, полковник Ягелло ёҳуд надворний советник Семёновга топширишни тавсия этган» (С.А. Ҳалимова, номзодлик диссертацияси. «Садои Туркистон» газетасининг тарихи: тил, услуб ва жанр хусусиятлари» (1914-1915 йй). 2007 й., 32-бет).

Эътибор беринг. Сирдарёнинг

Асадуллаҳўжаевнинг «Ватан муҳофазаси» сарлавҳали мақоласи берилади.

«Бизим борлик умидимиз шу қаҳрамон аскарларимиздидир. Русия мамлакатининг ҳар тарафи булар ила сақланган ҳаби асл ватанимиз Туркистоннинг ҳам муҳофазаси булар қўлидидир. Биз Туркистон мусулмонлари асрлардан бери тинчлик ва роҳат ила яшаб келган түпроғимизни муҳофаза-



сизни ёлғиз шу аскарларимиздангина кута оламиз. Чунки ватанимиз Россиянинг бутунлиги бузилмов илагина бизим түпроқлар обод бўла олурлар. Ўғил ва оталаримизни айируб аскарликка юбормасдан ва роҳатимизни бузмасдан бундоғ ҳалокат замонларида бул тариқа тинчгина умр кечиришимиз бизим учун тақдир қилинуб битмасдай улуг бир неъматдир. Энди шул неъматнинг қадрини билуб бизлар ҳам қувватимиздан келгон қадар ҳукумат ва аскаримизга моддий ва маънавий ёрдамда бўлимоғимиз лозимдир», дейилади жумладан мақолада.

Муҳими, ўша пайтда чоп этилган маҳаллий газеталаримизда уруш мавзуси орқали халқнинг озодликка эришувидаги муаммолари ҳам энг учиде айтилган. Армия тузиш, ўзимизнинг аскарларни шакллантириш масаласига жадид Убайдулла Асадуллаҳўжаев бекорга урғу бермаган. Бу мавзу шўро ҳукумати ўрнатилган илк даврда миллатпарварларимиз томонидан матбуотда янада баралла айтила бошланган.

Бу жадидларнинг миллатни уйғотиш, Ватанин овоз қилиш, истиқлолга эришиш учун армия кераклиги ҳақидаги чақирғидир. Яна мисоллар келтирамиз. Абдулла Қодирий «Иштирокион» газетасининг 1919 йил 4 ноябрь, 211-сонидега «Бизда аскарлик масаласи» мақоласида «Бошқалар тарафидан ҳуқуқининг топталмови, четларга маҳжум, мазлум бўлмаслик, чет миллатларга ўз товушингни эшитдуриб эшитмоққа мажбур этувга шубҳа йўқим, қўлингидеги қуролингга, аскарний кучингга қараб бўлур.

Кўрамизким Оврўпо, Омриқо миллатлари бунчалик шаън-шавкатни фақат ҳарбий куч ила қозонишлардир. Оврўпо, Омриқо империалистлари Шарқ халқини фақат қурол кучи ила ўзларига асир этмишлар ва хали ҳам ҳарбий куч ила Шарқ мазлумларини занжирда тутарлар», деб ёзади.

Ёзувчи афғон қардошларимизнинг маданиятда биздан анча ортда бўлса-да, дунёга ҳокимлик даъво қилаётган Англиядан озгина ҳарбий кучи билан устун келгани, түпроғидан хайдаб чиқарганини айтади. Чор Россиясининг золимонга сиёсати, ҳатто пичоқ тақиб юришини тақиқлаган манфур сиёсат халқимизни қўрқоқ қилиб қўйганини мақолада келтириб, қўлдан кетган ҳуқуқларни қайтариш, давлат идорасини яна қўлимизга олишимиз учун ўз аскаримиз бўлиши лозимлигини ёзади. Дунёга буюқ соҳибқиронлар, саркардалар берган миллатни уйғонишга чорлайди.

Ҳожи Муин «Меҳнатқашлар товуши» газетасининг 1918 йил 13 август сонидеги «Бизга нима керак?» мақоласида «Ҳозирги вазифамизга қарағонда бизга энг аввал, аскар керакдир. Чунки ҳозирги дохийий шўриш ва инқилоб хорижий душманларнинг тажовуздан ортиқ бизга қарши хатарли бир ҳолга айланмақдурки, бу шўришдан Ватан ва хурриятни қўтқариб олмоқ учун аскарний зўр бир қувватга молик бўлмоғимиз мутлақо лозимдир», деб ёзади.

Мақола сўнгидеги қиличдек кескир сўзлар миллатни ҳуқуқ ва хуррият йўлида курашмоққа чорлов, даъват, чақирқидир:

«Эй туркистонли турк ўғли! Яроғингни ол! Ёвингни от! Хурриятингни сақла!»

Миллатимизнинг ўша даврдаги ориқли, ҳаёт-мамат масаласини илғор зиёли катлам жадидлар дадил олиб чиққан. Жасоратли, ўтли сўзлари билан қалбимизни, онгимизни, шууримизни уйғотишга уринишган. Бироқ зулм машинаси бундай соғлом фикрларни эгалари билан бирга янчиб ташлаган.

Аскарлик орзусига қадам қўйган йигитлар. Юрт чақирувига «лаббай» дея жавоб берган мард ўғлонлар. Қулоқ тутинг, огоҳ бўлинг, асрлар қаъридан чақирик янграмоқда: шу муқаддас түпроқни ҳимоя қилишда оловдек мурасасиз бўлинг.

МАРДЛАР ЎЛМАЙДИ

«ШАРАФ МАЙДОНИДАН АРСЛОНИМ КЕЛДИ»



«Совет Иттифоқи Қаҳрамони» Аҳмадҷон Шукуров номи болалигимдан менга ёд бўлиб кетган. Ҳукумат чоғларимизда унинг қаҳрамонлиги битилган мақола ва хикояларни ҳаяжон ва ҳайрат ила қайта-қайта ўқирдик. Таниқли ёзувчилар Абдулла Қаҳҳорнинг қаҳрамонга бағишлаб ёзган «Олтин юлдуз», Аҳмад Раҳматнинг «Аҳмадҷон Шукуров» повестлари қўлма-қўл бўлган. 1944 йили таниқли шоир Ҳамид Ғулом томонидан Аҳмадҷон Шукуровга атаб ёзилган «Арслон келди» номли шеър ўз даврида машҳур кўшиққа айланганидан хабарим бор:

*Куйлангиз, қозонган улуғ шонини,
Куйлангиз, зафарнинг дostonини,
Куйлангиз, саломат, сиҳат жонини,
Ёвни қон қақшатиб полвоним келди...*

Биз ҳам қаҳрамон ҳақида лавҳа тайёрлаш мақсадида март ойининг бошида у туғилиб ўсган Фарғонанинг Бешариқ туманидаги Шоберди қишлоғига йўл олдик. Бизни туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Хайрулло Юлчиев бошчилигидаги ҳарбий хизматчилар, маҳалла фаоллари ва ўқувчилар қарши олди.

– Биз бу хонадонни тез-тез зиёрат қилиб тураемиз. Чунки бу ерда қишлоғимизнинг фахри бўлган Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Аҳмадҷон Шукуровнинг уй-музейи бор, – йиғилганларнинг ташрифига изоҳ бериб ўтди Маҳалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги Бешариқ тумани Нуруний жамоатчилик кенгаши раиси Алижон Қанонов. – Унинг нафақат жанглардаги қаҳрамонлиги, балки урушдан кейинги фидойилиги ҳам ёшларга ўрнак...

Меҳмонлар ташрифидан қаҳрамоннинг ўғли Эркинжон аканинг кайфияти кўтарилган бўлса, келинлари Турсуной опа ширин калом ила қарши олади барчани:

– Хуш келибсизлар, қадамларингизга ҳасанот. Дадам жуда меҳмондўст эдилар, уйимиздан меҳмон узилмасди. Яхши инсонларнинг йўқловчиси кўп бўлади, деб шуни айтишса керак...

Тележурналист касбдошим фур-



сатни бой бермай жараёни тарихга муҳрлашга тутинди. Мен уруш қаҳрамонининг яқинлари билан суҳбатга киришдим. Аҳмадҷон Шукуровнинг жияни Рокияжон опанинг тоғаси ҳақидаги хотиралари тиниқ ва теран:

– Аҳмадҷон тоғамни ҳар доим ғайратли, тиниб-тинчимас ҳолатда кўрганман. Тоғам 15 ёшида бригадирликка сайланиб, кўпчиликка бош бўлганини кексалар кўп эсларди. Иккинчи жаҳон урушида эса Украинани озод қилишда қаҳрамонликлар кўрсатган. Орёл шаҳри яқинидаги Золотарёвка қишлоғи ҳозирда унинг номи билан Шукуровка деб номланади.

Суҳбат давоми хотираларга уланади.

ЖАНГ МАЙДОНИДАГИ УНУТИЛМАС ЖАСОРАТ

1931 – 1933 йилларда армия хизматини ўтаб қайтган Аҳмадҷон Шукуров билимдон ва ишбилармонлиги сабаб, масъулятли вазифаларга жалб этилди. Иккинчи жаҳон уруши бошланганида фронт ортининг жонкуяр таянчларидан бирига айланди.

1942 йилнинг августда 33 ёшида фронтга отланган йигит 5-ўқчи дивизиянинг 336-ўқчи полкида пулемётчи вазифасида жангга қирди. Сержант Шукуров сафдошларидан 10-13 ёш катта, хизмат тажрибасига эга эди. Шу сабаб жангларда олдинги сафда бўлиб, сафдошларига

ўз ўрнида таянч, намуна бўлишга ҳаракат қиларди.

Станокли пулемётдан моҳирлик ила фойдаланилса, у душманнинг «доди»ни берадиган даҳшатли қуролга айланади. Аҳмадҷон буни яхши биларди. Фақат душман ҳужумга ўтганда имкон қадар унинг яқин келишини кутиш керак. Шундагина ёвни яқсон қилиш самарали кечади. Бироқ бунинг учун сабр ва матонат, жасорат зарур. Сержант Шукуров бу борада ҳар гал ўз маҳоратини ишга соларди.

Орёл шаҳри яқинида қақшатқич жанг бормоқда. Ҳужумга ўтган пиёдаларни қўллаб-қувватлаб турган Аҳмадҷон душманнинг бешта ўқ отиш нуқтасини аниқлади. Фашистлар пулемёт, огномёт ва тўплардан тинимсиз ўт ёғдирарди. Аҳмадҷон бехато зарба билан уларни йўқ қилди. Аламзада душман жон-жаҳди билан ҳужумга ўтди. Сержант Шукуров фашистларни сабр ила яқин келишини кутди ва уларга кучли зарба берди. Душман аскарлари ер бағирлаган ҳолда орқага чекина бошлади. Ёвнинг мақсади – артиллерия тўпларидан ўт очиб, пулемётчини йўқ қилиш. Душман ҳийласини сезиб турган моҳир жангчи ўз жойини ўзгартирди. Лекин фашистлар уни сезиб қолди. Бир зумда атрофни кучли портлашлар эгаллади. Осколка парчалари аралаш тўпроқ осмонга кўтарилар, кўз очгани имкон бермасди...

Аҳмадҷон кўзини очганида қулоқлари эшитмас, фашистларнинг тўплардан берган зарбаси сабаб, ён атрофидаги жангчилар ҳалок бўлганди. Мўъжиза туфайли тирик қолган йигитнинг пулемёти ишдан чиққанди.

Аҳмадҷон ўрнидан қўзғалди. Душманга бўлган нафрат, сафдошларидан айрилиқ алами жангчига куч берди. У жанг майдонидан бошқа пулемёт топди ва ёвга қарата ўт оча бошлади. Буни кутмаган фашистлар яна чекинмишга тушди. Қаҳрамон йигит шу тарзда душманнинг барча қарши ҳужумига жавоб бериб турди. Аммо патронлари тугаб қолди. Нима қилиш керак, ўйлашга фурсат йўқ, ҳар дақиқа ғанимат. Шунда сержант Шукуров қўлига фашист автоматини олди ва қарши ҳужумга ўтди. Унинг бу мардонавор ҳаракатини кўрган жангчилар ундан ўрнак олишди, ёвга тезкор зарба берилди. Жангчилар шу тариха Золотарёвка қишлоғини тўлиқ озод қилишди. Бу муваффақият, бу ғалабага қўрқмас, моҳир пулемётчи сержант Аҳмадҷон Шукуров жуда катта улуш қўшганди.

Йигитнинг жанглардаги жасорати ўз ўрнида эътироф топди. СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил август ойидаги фармонига кўра, сержант Аҳмадҷон Шукуров «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони билан тақдирланди. Кейинчалик унинг кўксини «Ленин» ордени, «Қизил юлдуз» медали тўлдирди.

1944 йили жангда олган жароҳати туфайли сержант Шукуров юртга қайтди, қаҳрамон бўлиб қайтди. У ўзи ёзган эсдаликларида буни куйидагича таърифлайди: «Қишлоққа чошгоҳда етиб келдим. Кўзлари шодлик билан чақнаган хотиним ва ўғлимни бағримга босдим, юз-кўзларидан ўпдим. Кўчамиз одамларга тўлиб кетди... Кечқурун колхозда катта тўй бўлди...»

Урушдан – аждаҳо домидан қайтган инсон ҳаётга ўзгача ёндашади, яъни тирикликнинг, тинчликнинг ҳар они Тангрининг улугъ инъоми эканини ҳис қилиб яшайди. Аҳмадҷон ака бу улугъ иноятнинг қадрига етди, умрининг ҳар лаҳзасини юрт хизматиға бағишлади. Шоберди қишлоғидаги «Пахтачилик» колхозига раис бўлгач, ишни ободончиликдан бошлади. Тўқайзор, чангалзор ва даштлар боғ ва пахта майдонларига айлантирилди. Айтишларича, қаҳрамон билан суҳбатлашгани келган таниқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг тўнини чангаллар юлиб қолган. Иккинчи бор ташрифида эса қишлоқнинг ободлигини кўриб, ҳайратини яширмаган экан.

Қаҳрамон раис қишлоққа газ ва электр олиб келди. Колхоз болалари учун мактаб ва боғча ишга тушди. Чойхона фаолият юрита бошлади. Қишлоққа клуб – маданият ва маърифат биноси қурилди. Шобердилик кексаларнинг таъкидлашича, бу маданият ўчоғига республикадаги 80 дан зиёд энг машҳур санъаткор, ёзувчи ва шоирлар ташриф буюрган, эл хизматида бўлган. Шунингдек, ғайратли раиснинг саъй-ҳаракати билан туманда биринчи бўлиб, Шоберди қишлоғида туғуруқхона қад ростлади (кейинчалик туман марказига кўчирилган).

Дала меҳнаткашлари учун кузга бориб колхозда ҳосил байрами, қовун сайли, кўпқари бўлиб ўтар, дала ишчилари муносиб тақдирланарди. Тиниб-тинчимас қаҳрамон раиснинг тинчлик йилларидаги фидойилиги ҳам муносиб баҳоланди – «Ҳурмат белгиси» ордени, «Шавкатли меҳнат учун» медали билан тақдирланди.

Оилани муқаддас деб билган Аҳмадҷон ака турмуш ўртоғи Хосиятхон опа билан тўрт фарзандни вояга етказди, невара, эваралар кўрди. 1990 йил 81 ёшида вафот этган халқпарвар уруш қаҳрамони умрининг сўнгги кунига қадар эл орасида, юрт хизматида ҳурмат ва эътиборда бўлди. Бугун унинг саксондан зиёд авлоди боболари билан фахрланишади.

«Совет Иттифоқи Қаҳрамони» Аҳмадҷон Шукуровнинг хонадонидидаги илиқ хотиралар, қизгин суҳбатлардан сўнг катталар билан биргаликда номини мангуликка муҳрлаган улугъ инсоннинг сўнгги манзили томон йўл олдик. Тиловат ва дуолар... Сокин қабристонда қад ростлаб турган қаҳрамоннинг қабридан нур таралгандек бўлди, гўё. Қалбимни беихтиёр шоирнинг ушбу сатрлари банд этди:

*Ватан деб ёнганлар ўлмайдди асло,
Халқим деб куйганнинг боқийдир умри.*

*Тунда юлдуз бўлиб таратар зиё,
Тонгларни уйғотар жаннатий нури.*

**Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»**

МИЛЛИЙ РУХ

ПОКЛИК КУРАШИ



Хамма нарса фронт учун, хамма нарса галаба учун!

Коронавирусдан эҳтиёт бўлинг!

Фикрларим қоришиб кетади. Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан барпо этилаётган «Шон-шараф» музейига ҳозирлик ишлари қизғин. Турли соҳа мутахассислари бир жойда жамланган. Иккинчи жаҳон уруши даврида жанг майдонидаги жасорат, фронт ортидаги тинимсиз меҳнат, эвакуация, ўша даврдаги илм-фан, таълим, маданият, бадиий адабиёт, театр, санъат ва матбуот каби ҳеч бир жиҳат эътибордан четда қолмапти.

Уруш давридаги вазиятга бир қур назар ташласангиз, қайғуга ботасиз. Издан чиқазган таълим, саломатлигини йўқотган саноксиз аҳоли, яна беҳисоб эвакуация қилинаётган одамларни қабул қилиш ва уларга меҳрибонлик кўрсатиш, бор-будини тўплаб, фронтга кўмак юбориш...

Балли, баракалла, дея миллатнинг жипслигидан, мардонаворлигидан гурурланасан. Бошқа давлатларда одамлар нонга навбатда турган бир пайтда Ўзбекистонда озгина имкони бор кишилар эвакуация қилинган болаларни олиб кетиш учун навбат кутишган экан. Иш орасида Ойбек уй-музейига бориб келдик. Адибнинг набираси Айнура Тошмуҳаммедова

билан суҳбатлашдик. Бирга суратга тушдик. Музей ходимаси Гулчехра Шокирова 1989 йилдан буён шу ерда ишлар экан. Ойбек домла тушига кўп кирганини айтди.

Айтганча, коронавирус машмашаси кўпчиликнинг юрагига ғулғула солиб қўйгани рост. Ваҳимага тушганлар қанча?! Элга келган «тўй». Онлайн дарслар йўлга қўйилди. Ҳукумат бор имконият, чораларни кўраяпти. Ваҳимага ўрин йўқ.

Газетада журналист сифатида ишлаб, кўплаб ўқув машғулотида қатнашдим. Кечаси ва кундузи жанговар техникаларнинг шартли душманга қарши қирон келтириб, ўт очганига кўп бора гувоҳ бўлдим. Дастлаб сезиладиган ёқимсиз ўқ овозларидан сесканиш ҳисси бора-бора йўқолиб кетди.

Лекин Иккинчи жаҳон урушига бағишланган адабиётлар билан танишиб, газеталардаги мақолаларни ўқири эканман, машғулотлардан мулақо фарқ қиладиган уруш дахшатлари кўз олдимда гавдаланди. «Шон-шараф» музейига тайёргарлик жараёнида ишчи гуруҳ таркибидаман. Шу кунларда бутунлай бошқа оламда яшайман. Кўчада юрсам, уйга борсам, ким биландир гаплашсам, фақат шукр қиламан.

Дунёни қалқитаётган коронавирус ҳам у қадар ваҳимали туюлмади. Бу синов ҳам жаҳон урушига ўхшайди. Фақат мамлакатлар бир-бири билан эмас, барчаси биргаликда вирусга қарши «уруш» очган. Утмиш

даврларни, Иккинчи жаҳон уруши йилларини эсласам, биринчи галда момомни ўйлайман.

Момом Бувмаъни она улугвор мақсадлар билан янги хонадон остонасини ҳатлаганди. Бир қизки вояга етиб, гўшангага келин бўлиб тушгунича не-не орзулар қилади. Бахт оғушида сармаст хаёллар суради. Турмуш ўртоғининг ҳар бир сўзидан, ҳар бир ҳаракатидан ҳикмат қидиради. Аммо унинг сурурли лаҳзалари қирқ кундан ошмади. Халқ тилида Уста Норқул бўлиб танилган кувёбола кутилмаганда ҳарбий хизматга кетадиган бўлиб қолди.

Донолар айтганидек, тақдирни тадбир билан ўзгартириб бўлмас экан. Муддатли ҳарбий хизмат тугар-туғамас Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Уста Норқулдан шу кетганча етти йил дарак бўлмади. Йўқ, ёлғон ёзибмиз. Бир хабар келибди. Шундай хабарки, кўнгилларни зулмат қоплайди.

Қорахат... Бувмаъни она бунга ишонмади, ишонолмади. Кўзи тўрт бўлиб йўл қаради. Қайнота, қайнонасининг кўнглига қаради. Хизматини қилди. Шу орада машум уруш уни тоғаларидан жудо қилди. Онасига меҳрибонликни ҳам гарданига олди. Кеча-ю кундуз, иссиғу совуқни фарқламай меҳнат қилди.

Буни қарангки, роса етти йил де-ганда Уста Норқул қайтиб келди! Фақат бир оёғидан айрилганди. Уруш кўрган, қон кечган одам шукрли бўларкан.

Қазо қилганидан сўнг 30 йил ўтса ҳам қайси бир хонадонга бориб қолсак, гап орасида бу уйнинг деворларига катта отамнинг қўли текканини кистириб ўтишади.

Қаерда ҳашар бўлса, «бизники фойдага қолган жон», деб ёғоч оёқлари билан етиб бораркан. Уруш синовини билан бу оиланинг имтиҳонлари битмаган экан. Тўнғич қизларидан сўнг, уч ўғилни ерга топширишди. Шундан кейин яна икки ўғил, икки қиз кўрди. Уста Норқулнинг неваралари бўлиб биз дунёга келдик.

Норқул отамни элас-элас хотирлайман, шукрки Бувмаъни энамнинг суҳбатларини кўп-кўп олиш насиб этди. Табиат билан тиллашарди. Ўрнидан кўзгалолмай ётарди. Эҳти-ёж бўлганда суяб ўтиргизардим. Не тонгки, эрталаб 6 да уйғотинг, десангиз: «Тур, болам, 6 бўлиб қолди» дерди. Қарсангиз, соат миллари роса сиз айтган рақамни кўрсатаётган бўларди. Аҳволини билмаган одам туриб, соатни кўриб келиб, кейин уйғотди, деб гумон қилиши тайин.

Ҳеч эсимдан чиқмайдиган яна бир ибрат бор. Ичида оғриқ туриб, азобдан инграб юборарди. Кейин сал ўзига келгач: «Берган дардинга ҳам шукр», деб қўярди. Бу ҳам майли, вафотидан аввалроқ азобнинг зўридан шифокор тоза спирт ичишни тавсия қилди. Ичи ювилиб, оғриқ енгиллашишини айтди.

– Неча кунлик умрим бор, болам, пок кетай, – дея ичмади.

Бир кун ичмаси сандиқчани очишимни айтди. Уни қовлаб ичидан менга пул олиб берди:

– Буни ўзимдан ўзим ўғирладим. Йиғолсанг қўш, яхши кунларингга ишлатасан.

Дуо қилиб, кузатиб қўйди. Гўё, қанот боғлагандек, шаҳарга ўқишга кетдим. Бир ой ўтар-ўтмас кўнгирик бўлди. Бир томонда талабалик тежамкорлиги, иккинчи томондан ҳозиргидек тезкор таксилар йўқ. Хуллас, жанозага етиб боролмадим. Мен уйга кириб боравердим, одамлар қабристондан қайтиб келаверди. Шу-шу, энам кўз олдида тирик ҳолида қолган.

Даф бўлсин уруш, куриб битсин коронавирус!

Азиз НОРҚУЛОВ

ҚАДРИЯТ

Тахياتош тумани 1-кичик даҳа, 2-уй 19-хонадонда Иккинчи жаҳон ва Совет – япон урушлари қатнашчиси Ражаб ота Қурбонметов яшайди.

1943 йилнинг эрта баҳорида минглаб юртдошларимиз каби урушга сафарбар этилган Ражаб бобонинг қисмати ўзгача бўлган. 431-зенит-ўқчи полки таркибида урушга кирган Ражаб Қурбонметов Украина ўлкасининг Харьков вилоятида душман авиациясига қарши курашларда қатнашган. 1943 йилнинг 14 октябрь куни ана шундай жанглардан бирида қахрамонимизнинг ўнг оёғига теккан ўқ тизза бўғимини жароҳатлайди. Кейинроқ зенит қурилмаси олдида портлаган бомба зарбидан бир марта контузия олади.

Иккинчи жаҳон уруши тугаши билан 1945 йилда она юрт соғинчидан ич-ичига сиғмай кетаётган Ражабга омад кулиб боқмади. У яна урушга юборилди. Совет – япон урушидан кейин командирларнинг таклифи билан 1945 – 1947 йилларда Тинч океани флотига хизматни давом эттирди. 1947 – 1950 йилларда Владивостокдаги «50-ракета-артиллерия

ИККИ УРУШНИ КЎРГАН ОТАХОН



қуролларини таъмирлаш заводи»да чилангарлик лавозимида хизматни ўтайди. Юртини, қариндош-уруғини соғинган Ражаб завод раҳбариятига уйга қайтиш юзасидан рухсат олиш учун мурожаат этганида, унга: «Ражаб, шу ерда қолавер, сени рус қизига уйлантирамиз»,

байрамида Ражаб бобо Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан бирга тушган сурати жойлаштирилган. Бобо шу газетани меҳмонларга гурурланиб кўрсатади.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

ПОПУЛИСТЛАР КИМЛАР?

Популизм – ижтимоий иллат. Популист бу – ноёб истеъдоди бўлмаган, аммо ўзини ўта таланти қилиб кўрсатишга уринадиган одам. Бунинг учун у барча сунъийлик усулларидан фойдаланади. Аслида бу иллат ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларида нохуш кўринишларда намоён бўлади.

Биз бундай ҳолатларни телеэкранларда, турли учрашув ва йиғилишларда, маънавий-маърифий дарсларда, бошқа тарбиявий тадбирларда кўриб турибмиз. Аввало, телеэкранга ёки минбарга чиқадиган одам ўзи гапирадиган мавзуда қай даражада билимга эга эканлиги ҳақида жиддий ўйлаб кўриши керак. Қуруқ сафсата сотиш популистни шарманда қилиб қўйиш билан бирга, тингловчиларда нохуш кайфият туғдиради. Ахир ўйлаб кўринг, ўзида ҳеч нарса йўқ одам қандай қилиб бировга ақл ўргатади? Одамнинг илмсизлиги ҳамиша унга панд беради.

Бир жиддий мисол. Бир неча йил олдин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан Сенатнинг матбуотга дахлдор қўмиталари қўшма мажлисида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида ахборот хуружларига қарши кураш мавзуси муҳокама қилинди. Унга журналистлар ҳам таклиф этилган эди. Тадбирни Эркин Воҳидов бошқариб борапти. Маърузачи – журналист-профессор. У бир соатга яқин ахборот хуружлари ҳақида умумий гапларни гапирди-да: «Эркин ака, Ўзбекистон матбуотида бир йил мобайнида ахборот хуружларига қарши битта ҳам мақола босилмаган», деб сўзини тугатди.

– Наҳотки? – деб сўради Эркин ака.
– Шундай, – деди профессор-журналист. Шу пайт Қобилбек Каримбеков сўз олиб:
– Менимча, Иброҳим Норматовнинг 3-4 та мақоласи босилди, – деди.
Маърузачи индамай безрайиб тураверди. Шундан кейин Эркин Воҳидов менга сўз берди.

– Эркин ака, ҳурматли депутатлар ва ҳамкасблар, маърузачи журналистика соҳасида профессор бўлгани билан умрида битта ҳам мақола ёзмаган, жанр нималигини билмайди, ахборот хуружларини тушунмайди, мен бир йилда матбуотда юздан ортиқ чиқишлар қилган бўлсам, шунинг камида 70–80 таси четдан бўлаётган ахборот хуружларига қарши қаратилган, – дедим.

– Шундайми? – деб Эркин ака ёнида ўтирган Қонунчилик палатаси раисининг ўринбосари Хуршид Дўстмуҳаммадга юзланди. У:
– Тўғри, – деб менинг фикримни маъқуллади.

Кўрдингизми, агар индамай ўтирсангиз, матбуотнинг бу борадаги фаолияти қораланиб, қарор қабул қилинади.

Мени маъруза қилиш учун ҳарбий тизимларга ҳам чақириб туришди. Утган йили давлат тили қабул қилинган кун нишонланаётган дамларда Қуролли Кучлар академиясига маъруза қилиш учун чақириб қолишди. Мендан олдин бир ўзбек аёл профессор рус тилида гапирди. Мен унга ҳамманинг олдида: «Ҳозир сиз ўзингизни Россия Мудофаа вазирлиги академиясида маъруза қилгандек ҳис этдингизми?» деган эдим, у миқ этмади. Бироқ у ўзбек тилида гапиришни яхши билар



экан. Демак, у тил ҳақидаги русча назарий матнни ёдлаб олган. Ўзида эса ўзбек тили ҳақидаги билимдан ҳеч вақо йўқ. Афсуски, бундай популистлар кўпайиб борапти.

Популистик хатти-ҳаракатлар баъзи одамларнинг депутат бўлиб сайланишига имкон берди. Бироқ қонун устида ишлашларида илм, билим ва тажрибанинг камлиги уларга панд беради. Оқибатда ҳаётнинг ўзгариб турган талаблари билан боғланмаган қонунлар пайдо бўлиши учун йўл очилади. Айтмоқчи бўлган фикрим шуки, популизм қонунчиликдаги мукамалликка зарар етказишининг олдини олиш зарур.

Ўзларининг популистик хатти-ҳаракатлари туфайли мансаб-мартабага эришаётганлар ҳам оз эмас. Баъзи ҳоким ва вазирларнинг, шунингдек, бошқа тоифадаги раҳбарларнинг сўзлари билан ишлари бир-бирига тўғри келмаётганини ҳаётда кўриб, кузатиб турибмиз. Ҳатто, баъзи раҳбарларнинг ўринсиз маддоҳликлари ва мунофиқликларидан уялиб кетяпмиз. Айниқса, бундан 15–20 йил олдинги маддоҳларнинг бугунги кунда бошқача қиёфа ва оҳангда ялтоқланишлари жамият учун жуда хавфли. Чунки бугун улар виждонларини сотишгаётган бўлса, эртага Ватан ва миллатни сотишлари мумкин. Популизм ана шундай хиёнатни ниқоблашга хизмат қилади. Айниқса, вазиятга қараб, ўз фикрларини кун сайин, соат сайин ўзгартириб турган раҳбарлардан кўрқиб керак. Борди-ю, илми, билимли ва катта ҳаёт тажрибасига эга раҳбар ходимлар шундай йўл тутаётган бўлса, билинги, улар ўзларининг шахсий манфаатлари йўлида келажагимиз ва тараққиётимизга ғов бўлаётганлардир.

Бугун аксарият телеканаллар популистларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Буни нафақат кўзи, балки қалби сўқир одам ҳам кўриб турибди. Деярли ҳар куни фақат санокли одамлар, яъни популистларгина телеканалларда ўзларининг сийқа гапларини такрорлашдан чарчашмаяпти. Гўё популистлар рўйхати кимдир томонидан бериб қўйилгандек. Ўзбекистонда деярли ҳамма соҳада илми, билимли, юксак истеъдод ва катта тажрибага эга, ҳикматона ақл-идрок билан фикрлайдиган, ўз соҳасининг донишманди бўлган одамлар борки, уларни эшитсангиз, ҳузур қиласиз, ором оласиз, руҳий ва маънавий мадад оласиз. Йўқ, ҳар куни популистларнинг таниш қиёфаларини кўравериб, бир хил гапларни эшитавериб, ҳафсалангиз пир бўлади. Илгари бундай бир хилликни ҳамда рўйхатни тепада ўтирган бир одам бошқаради, деб эшитар эдик. Яъни оммавий ахборот воситаларида кимни бериш керак ёки кимни бериш керакмаслигини ўша одам ҳал қилади, дейишарди. Ҳозир у одам оммавий ахборот воситаларига кураторлик қилмайди. Унда нега ўзгариш йўқ?.. Демак, гап тепадаги катта раҳбарда эмас. Бизнингча, ҳамма бало омма-

вий ахборот воситаларининг раҳбарлари ўз нашрларида ва ўз телеканалларида ўз дунёқарашлари, ўз фаҳм-фаросатлари ва ўз истак-хоҳишларидан келиб чиқиб, популистик монополия ўрнатганликларида! Уларнинг ўз жонларига оро қирадиган ўз популистлари бор. Улар бошқаларнинг фикрларини эшитиш, идрок этиш ва қабул қилишга қодир эмаслар.

Бир мисол. Бундан бир ярим йил олдин «Ватанпарвар» газетасида «Менинг айтар сўзим бор» деган памфлетим босилди. Ўша куниёқ уни Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Халқ сўзи» газетаси ва бошқа бир қанча газеталар ўз сайтларига олиб қўйишди. Тушдан кейин «Даракчи» газетасидан кўнғироқ бўлди. «Иброҳим ака, илтимос, шу чиқишингизни сал «юмшатиб» берсангиз, янаги сонга қўймоқчимиз», деди масъул ходим. Кечаси ухламасдан тонг оттириб, уни қайта ёзиб, ўзлари айтгандек «юмшатиб» бердим. Бироқ у янаги сонда чиқмади. Нима гап, деб таҳририятга бордим. Беришга журъат этмадик, дейишди таҳририятдагилар. Албатта, қайси артистининг неча марта эрга текканлигини бериб ўрганган нашр миллатимизни ҳақорат қилганларга зарба беришга ўрганмаган-да!..

Бу ҳолат менга Франция ва Даниядаги популист нашрларнинг «қилиғи»ни эслатди. Улар ўзларини жаҳонга танитиш учун Мухаммад алайҳиссаломни карикатура қилишга қўл уришади. Биринчи Президентимиз буни популистик ҳаракат деб атади. Популистларнинг бу қилими нима билан туганлиги маълум – уларнинг 12 нафари отиб ташланди. Мана, яқинда Даниядаги бир нашрда ишлайдиган популистлар Хитойнинг давлат байроғини कोरोनाвирус микроблари билан масхаралашди. Сўзсиз, Хитой ҳукумати норозилик билдирди.

Хоҳ ичкарида, хоҳ ташқарида бўлсин, популистик хатти-ҳаракатлар яхшилик келтирмайди. Мен сизга айтсам, ҳаётда ва ишда популистик йўлни танлаганларда нафақат виждон ва ор-номус деган тушунчалар, балки Ватан ва миллат шазни, миллий маънавият ва миллий онг деган ҳис-туйғулар ҳам бўлмайди. Айрим нашрларни миллий ҳис-туйғулар билан синчиклаб ўқисангиз ёки айрим телеканалларни миллий онг-тушунча билан томоша қилсангиз, буни англаб етасиз.

Популистларнинг тоифалари кўп. Бироқ биз айримларини тилга олиб ўтдик, холос. Улар қайси тоифага мансублигидан қатъи назар, ўз мақсадларига эришиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Яъни ўз мансаб-мартабаларидан ажраб қолмаслик учун ёлғонни кўп ишлатадилар, ўзларини билимдон қилиб кўрсатиш учун ёдлаб олинган сўзлар ва матнларни ҳамма жойда бир хилда жўшқинлик билан такрорлайдилар, жиддий сиёсий масалаларда хато қилишдан кўрқиб, олди-қочди нарсалардан сафсата сотадилар, нўноқликлари ошкор бўлмаслиги учун ижрочи бўлишдан кўра, қандай қилиб бўлмасин, раҳбар бўлиш йўлларини излайдилар, тезроқ танилиш учун оммавий ахборот воситаларида ўз одамлари бўлишига эришадилар, ишончли таянч ва ҳомий топиш йўлида катталарга мулоим мушукдек суйқалишни ва маддоҳликни қойиллатадилар, шахсий манфаат ва машҳурлик учун томдан тугул, тоғдан ташлашга ҳам тайёрлар.

Популист бўлишнинг синалган усуллари ва шаклланган стандартлари ана шундай. Уёғи ўзингизга ҳавола...

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

АЖДОГЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ЎРНАК

Шоирнинг болалиги уруш ва урушдан кейинги йўқчилик, муҳтожлик кезиб юрган оғир даврга тўғри келган. У ўз кўзи билан уруш соя солган хонадон эгаларининг изтиробларини кузатган. Унинг «Қахратон» ҳикоясида 1917 йилнинг қаҳатчилик кезган қиш манзараси қаламга олинади. Бева Мунавварбиби боласини совуқ хонада беланчада қолдириб, бир бурда ном излаб кетади. Телбанамо аёл қор кечиб «Нана! ... Мама!» деб ётган оч боласининг олдига қуруқ қайтади. Эртасига она-болани бирга ерга қўядилар...

Ҳикоя ёш авлодни ҳозирги тинч-тўқ замонга шуқроналик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшади.

Шоирнинг «Раҳмоновлар хонадони» шеърини шунчаки ўқиб бўлмайд. Бир мушфқ чол-кампирининг бешта баҳодир ўғли қирчиллама ёшга етмай Иккинчи жаҳон урушида бирин-кетин қахрамонларча халок бўлдилар.

*Кимдир бир ўғлини,
Кимдир икки ўғлини,
Кимдир уч ўғлини урушга берди.
Чорак аср ўтса ҳам энди
Юрар пойлаб улар йўлини
Раҳмоновлар хонадони берди беш ўғлини
Тупроққа қулади бешта пахлавон.*

Зангиоталик кўзлари ожиз ҳарбий адиб Вали Гофуровнинг олтиш ёшига бағишлаб, Омон Мухтор шундай монолог ёзган:

*Эй, одамлар,
Сизни эҳтимол,
Қизиқтирар менинг қисматим.
Қизиқтирар сизни бемалол
Ватанимга менинг хизматим
Дерлар: уруш бўлмас бекурбон,
Биз кирганимиз қурбонли жангга
Ким қўл берди, кимдир берди жон,
Мен кўзимни бердим Ватанга...*

Иккинчи жаҳон уруши дахшатлари-ни бошдан кечирган адабнинг оилада, жамиятда, ижода босган ҳар бир қадами ёш авлод учун ибрат мактабидир.

«Болаликка саёҳат» қиссасида бир идорада ишлайдиган Карим Муродовнинг олдида бухоролик Маҳмуд деган қурувчи келиб, «Сиз бизнинг уруш пайтида йўқотган укамиз Карим Муродовсиз», дейди қатъий.


Аммо Карим Муродов болалиги кечган Жондорни, аждод-авлодини яхши эслайди. «У кейинги йилларда Кавказ, Крым, Белоруссия, Украина, Молдавия ва бошқа кўплаб уруш кечган заминларни айланган». Яна у бир Амир Умарий деган шоир Ленинград болаларига совга-салом олиб борганини ва яна бошқа дахшатли воқеани яхши биларди: «Болтиқ бўйидаги шаҳар этагида каттакон кўл бор, у ҳам денгизга ўхшайди. Карим эшитган эди: уруш пайти бу кўл қамалдаги Ленинградга бамисоли дарвоза бўлган. Шаҳарга фақат шу кўл орқали озиқ-овқат, кийим-кечак, ўқ-дори ташилган. Минглаб йигитлар кўлдан кечмишда жонларини қурбон қилганларидан ташқари, ўшанда кўлга юзлаб самолётлар, машиналар, ўнлаб пароходлар ҳам чўкиб кетган.

Карим Ленинградни айланиб, сафар давомида шунчаки тасодифан Ладога соҳилига бориб қолди... урушда «Ўзбекистон» деган кема ҳам кўлга

фарқ бўлган экан.

Адабнинг «Йиллар шамоли» романи шундай бошланади: «Уруш тўзони Бухородан олисларда қўзғалиб-босилганидан буён узоқ йиллар ўтди. Аммо жангга фарзандларини юборган Бухоро ҳамон ўртанар, ҳамон қурбонлар аламини чекарди...»

...Райҳонбиби ҳам Ҳасан-Ҳусанларини урушга жўнатган. Улардан



Омон Мухтор (тахаллуси; асл исми-шарифи Мухторов Омон Сулаймонович) (1941.16.7, Бухоро) – ёзувчи, шоир, драматург. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1991), «Дўстлик» ордени билан мукофотланган (1997). ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тугатган. Ўзбекистон радиосида, «Ўзбекфильм»да, Фафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, Ўзбекистон давлат кино кўмитасида, «Шарқ юлдузи» журналида турли лавозимларда ишлаган. Илк шеърлар тўплами — «Чорлар кўёшли йўллар», «Оҳанг», «Ёғду», «Марварид», «Шиддат» «Нигоҳ», «Қушлар ва тушлар», «Шаҳарлик келинчак», «Ҳаёт дарвозаси», «Учқур поездлар», «Болаликка саёҳат», «Вазифа», «Ўлмаган жон» ва бошқа китобларидан жой олган ҳикоя ва қиссаларда замондошларимиз ҳаёти, уларнинг қувонч ва изтироблари фалсафийликка мойил бир тарзда ақс эттирилган.

«Йиллар шамоли», «Эгилган бош», «Аёллар мамлакатаи ва салтанати», «Афлотун», «Тўрт томон қибла» трилогияси («Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам», «Тепаликдаги хароба»), «Майдон», «Ишқ аҳли» каби замонавий ва тарихий мавзулардаги романлари ўзбек насрининг шаклан ва мазмунан бойишида муҳим ўрин тутди. Улардаги янгича тасвир усуллари, тафаккур тарзи ва роман-ҳангома, романривоят жанрларидаги шаклий изланишлар эътиборга лойиқ.

қорахат келганига қанча йиллар ўтиб кетган.

Бир йили Биби ўғли Камол билан шаҳар кезади. Автобусда тасодифан икки мўсафиднинг сўхбатини эшитади. Уларнинг бири ғалати гап айтади: «Сафар ака деган бир одамнинг қачонлардир урушда ўғли бедарак йўқолган экан. Йиллар ўтиб, ота ўғлидан умид узади. Ўғил эса госпиталда соғайиб чиққач, бир узоқ танишини учратиб қолади. Ундан отаси ҳақида сўрайди. Менимча, Сафар ота қазо қилган, дейди ҳалиги одам. Отам бўлмаса, ўйга қайтиб нима қилдим, деган ўйга борган ўғил севган қизи билан Қора денгиз яқинида қолиб, яшаб кетади. Йиллар ўтиб, у Ўзбекистонга саёҳатга келса, отаси тирик эмиш».

Райҳонбиби эгизакларимдан ҳеч бўлмаса, биттаси тирик, деган қарорга келиб, тараддуд бошлайди. Ҳар куни кечқурун кўчага чиқиб, йўл пойлайди...

Она учун уруш туйғайли зурриётдан айрилиш нақадар оғир. Дунёда фарзандини йўқотган она энг кучли инсон, деган ибора бекорга айтилмаган.

Омон Мухторнинг «Эгилган бош» романи эзгулик ва ёвузлик, хижоят ва жазо, дўстлик ва хиёнат ва ниҳоят адолатнинг тантанаси ҳақида. Асарда уруш фожиялари қаламга олинади. Маданиятга оид бир идорада ишлайдиган Абдор Аскарровни сўроқлаб кўкси ордени-медалга тўла бир ногирон келади. Меҳмоннинг мақсад-муддасини англамаган Абдорнинг энаси қотади. Билса, қария асида урушда унинг отаси Асдор Аскарор билан қуролдош бўлган экан. Қария Абдорга қирқ-элликта аскар бирга тушган эски суратни кўрсатади. Жўрамин мабодо сизнинг отангиз бўлсалар, сизни қадрларидан воқиф этай, деб келдим. Меҳмонга совуқ муносабатда бўлганидан Абдор хижолат чекади.

Қодиржон исми йигитнинг ҳам отаси – уруш фахрийси. Унинг қўли

қирқилган жойидан чувалчангсимон бармоқлар ўсиб чиққан.

Бир пайтлар қарияга отаси «ФЭД» фотоаппаратини совға қилган экан. Урушда унга аппарат асқатган. Газеталарга суратлар жўнатиб турган.

У уруш даврида кўрган-кузатганларини бирма-бир ёзади. Кейин қариндош-уруғларига шахсан хат ва суратлар жўнатади. Унга ўғли ва ке-

бир шаклга келгунча Омон Мухтор шоирнинг «Қалдирғоч» ва «Соғинчи салом» номли китобларини нашрга тайёрлайди. «Очиқ чехралар» шеърини тўпламини русчага таржима қилиб, уни ҳам нашрга тайёрлайди.

Шунча юрт кезиб изланган ёзувчи ўзича ўқиб: «Урушни ўз кўзим билан» кўрмаганим, яхши билмаслигим, қиссани тезроқ киришиб, ёзишимга ҳалал

«МЕН КЎЗИМНИ БЕРДИМ ВАТАНГА...»

лини кўмаклашар эди.

Қодиржон отаси ҳақида шундай ҳикоя қилади: «Четдан қараганда, даданинг бутун ёзганлари қуроқдан тикилган дастурхонга ўхшайди... Ўтган уруш даврига иши тушмаган киши, даданинг дастурхонларини ўқиганда туйиладиган дахшат, ғазаб, нафрат, шу билан бирга,

бермоқда... уруш тўғрисида даста-даста китоб ўқишга тушдим», деб ёзган эди.

Омон Мухтор уруш тўғрисида бадий асарлар, хотиралар, расмий ёзувлар ўқиди. Кейин Ўзбекистон бўйлаб Днепрдаги жангларда қатнашган фахрий аскарларни қидирди. Салимжон Маҳмамов деган бир инсон

тирикликдан, эзгуликдан ҳис этадиган ифтихорни ҳам тушунмайди.

Катта саройга тўллаб ёқилганлар ҳаммаси болалар эди... Майдонда неча юзлаб жасад саржин қилиб, тегиб қўйилган... Баҳорда қор остидан йўлга тўшалиб пачақланган мурдалар чиқди... Афтидан, бундай қарасанг, одам, лекин икки оёқли ҳайвон. Отиб ташламасанг, босиб келяпти...

Шунга ўхшаган ёзувлари кўп даданинг. Барини кўчириб ўтирмайман. Бу менга малол келганидан эмас, дафтарларини бир кун ўқийдиган кишини авайлайман. Юрак-бағри эзилмасин, деяпман».

Уруш билан боғлиқ бундай ҳаётини воқеалар келажак авлод учун бир умрга тенг бебаҳо хазинадир.

Омон Мухторнинг таъкидлашича, «Учқур поездлар» қиссасида маълум даражада урушнинг «ичига кириш»га тўғри келди. Қисса бевосита уруш қатнашчиси ҳақида эканлигидан, олдинги бошқа асарларига ўхшамас эди.

Адибга ўғувчилик кезларидан Султон Жўра деган шоирнинг шеърлари таниш эди. Бир гал қайсидир учрашувда шоир Султон Жўрани эслади. Унинг ҳамюрти жангда мардларча ҳалок бўлганида Омон Мухторга тенгдош, айни ўттиз уч ёшда бўлган экан. Муаллиф жанговар шоир руҳи олдида қандайдир бурчи эканини ҳис этади.

Шу кундан бошлаб, адиб изланишга бел боғлайди.

Энг аввал у Султон Жўранинг шеърлари, эртақлари ва дostonларини қайта жиддий ўргана бошлади. Сўнгра урушда қатнашган-қатнашмаган Султон Жўрани билган ижодкорлар билан сўхбатлашади. Шоирнинг Ватани бўлмиш Шофиркон туманидаги Қоғолтон қишлоғида яшаган, турли инсонлар билан мулоқотда бўлади.

Адиб қаҳрамони тўғрисида кўп материал тўплади. Бу маълумотлар

Омон акага Султон Жўранинг яқин қуролдош дўсти Жалол Шаҳбозов билан таништирди. Ниҳоят, муаллиф тили билан айтганда, «Учқур поездлар» жилди.

Узоқ йиллик меҳнат, яъни етти йиллик изланишдан сўнг қисса дунё юзини кўрди. Асар босилгач ҳам жуда кўп шов-шув тарқалди. «...Султонни суратдаги қаҳрамон эмас, тирик одам қиёфасида кўрсатишга ҳаракат қилган эдим», дейди муаллиф (1995), «Султон Жўра туғилганига 85 йил, Ғалабага 50 йил ўтган бир паллада, шуларни эслаб, ўйлаб турибман... «Учқур поездлар»ни вақт, имкон топилса, қайтиб кўриб чиқиб, тартибга солиш ниятида юрибман!» Шу даврда Фотиима опа, Ботир ака ва яна Султон Жўранинг бошқа яқинлари қазо қилган эдилар. Шунча эзгу ишни урдалаган адабнинг ҳалиям ўз асаридан кўнгли тўлмаётгандек эди.

«Учқур поездлар» қиссаси мазмунига кўра аввал Султон Жўранинг урушга-ча кечган ҳаёти урушга кетишидан бир кун олдин Султон қайнонасида фарзандларига қараб туришини илтимос қилади. Аёли Моҳира билан қадрдон боғ чеккасига ўтириб, илк учрашган кезларини эслашади, шаҳар кезишади...

Султон Днепр бўйи атрофида жанг қилди. Оқолларда мақолалар, шеърлар ёзди. Хизмат бошлинишида уй билан алоқада бўлди. Қизчасининг бетоблиги, уйдагиларнинг аҳволи уни қаттиқ безовта қиларди.

Моҳира қизчасининг вафотини эрига ёзиб ўтирмади.

Омон Мухторнинг сидқидилдан виждонан изланишлари эвазига жангчи шоир Султон Жўранинг ўчмас хотираси ушбу қисса орқали сақланиб қолди.

**Мухайиз Тўлаганова,
Республикада хизмат кўрсатган
халқ таълими ходими,
Ўзбекистон Ёзувчилар
юшмаси аъзоси**

Дунёни бир айланиб, француз тўнини кийиб келган асар

Марҳум адибимиз Тоҳир Малик асос солган tohirmalik.uz сайтнинг «Дурдона» бўлимида «Мен – фотиҳ Темур» номли асар жойлаштирилган. Фидойи ёзувчимизнинг бу асарга ёзган сўзбошида шундай жумлалар бор:

«Йигирма йил муқаддам Фарғонанинг Бағдодидаги суҳбатда Саудиянинг Тоиф шаҳрида истиқомат қилувчи ватандошимиз ҳожи Абдуллоҳ Амир Темур ҳаёти ҳақидаги ажиб асарни ўзбек тилига таржима қилганларини айтишди. Асар Соҳибқироннинг ўз қўллари билан ёзилганини эшитгач, қизиқишим ортди. Асар қўлёзмаси Тошкентда экан, бир ношир йигит уни китоб ҳолида нашр этишга ваъда қилибди.

Асар «Шарқ юлдузи» таҳририятига маъқул келиб, нашрга тайёрлади. Биринчи бўлим босилиб чиқди. Иккинчисини «цензура» тўхтатди. Асар нашрини тўхтатишда «ўз қўли билан» ёзилганига шубҳа билан қарашди. Азизлар, асарни диққат билан ўқинг-а, унда фақат Амир Темурнинг ўзигагина маълум воқеалар баёни бор. Фақат Амир Темурга хос фикрлар, мушоҳадалар бор. Буларни четда турган одам буюк иқтидор эгаси бўлган тақдирда ҳам ўзи тўқиб ёзолмайди. Яна бир мулоҳаза: шундай бебаҳо асарни ёзган ижодкор нима учун ўз номини яширади? Аксинча, фахрланмайдими?

Асарни нашр этиш ҳамон имконсиз туюлган даврда нашриётлардан бири француз ёзувчиси Марсель Брионнинг Темур ҳақидаги асарини босиб чиқарди. Бу айнан ўша Соҳибқирон қўллари билан ёзилган асар эди. Фақат у француз ёзувчиси номидан эълон қилинибди.

Бу асар таржимасининг ташаббускори ва масъул муҳаррирининг ёзишча, «Французча нусхани тарихшунос Морсал Брайвон инглизчадан таржима қилгандур. Инглизчаси эса Девий деган кишининг ташаббуси билан Оксфорд илмий тадқиқотчиларидан профессор Войт ёрдами ила 1783 миллодийда китоб бўлиб тарқатилгандир».

Шу сабабларга кўра, асарни интернет орқали эълон қилишни лозим топдим.

Мен яна Хуросон йўли билан юртимга қайтмоқчи эдим. Мен бу сафарни ўзимга тобей ҳукмим итати остида бўлган ерлар устида қилиб турган бўлсам ҳам, қўшуннинг олди-орқа тарафларига илғорлар, изчилар қўйишни тарк этмаган эдим.

Тахти Сулаймон харобаларидан жўнаб, икки кун юргандан кейин олдинги хабарчиларим қаршиларидан салоҳсиз бирмунча кишилар келиб тургандан хабар бердилар. Яна бироздан кейин бир жамоатнинг қочиб келаётганлар тўдаси эканлиги хабарини етқуздилар.

Қочиб келувчиларни ҳузуримга келтурдим. Таҳқиқот натижасида буларнинг вабодан қочиб келаётганлари билинди. Вабо келган жойларнинг номи: Хармуз, Суру, Сайф, Амора, Монанд, Сироф ва шу ноҳия атрофларида эканлигини билдиридилар. Бу саналғон ноҳияларнинг ҳаммаси Форсга қарашлик ерлар эди. Шундан кейин ҳар кун қочувчилар тўдалари йўлимида йўқ эканлиги турар эди. Форсдан Хуросонгача биз ўтадиган йўлларда вабо йўқ эканлиги аниқлашди. Вабо минтақасидан тезроқ чиқиб кетмоқ учун қўшун юришини жадаллаштирдим. Тезлик билан лавозимотларни озуқ-алаф хозирлиги учун олдинга юбордим. Дор-абжард деган жойда отларга истироҳат бермак учун икки кун тўхтамоққа амр бердим. Бу жойда турганимизнинг биринчи кун бирмунча сарбозларнинг беморлигидан хабар бердилар. Ҳаммалари бош оғриғи билан иситмадан шикоят қилур эмишлар. Қўшун табибидан:

– Қўшун вабога учраганими? – деб сўрадим. Табиб берган жавобида:

– Тоунга хос аломатлар зоҳир бўлмагани учун бир нарсага ҳукм этолмайман, – деди.

Иккинчи кун иситмалик аскарларнинг сони тобора ортди. Бир-икки кун аввал хасталанганларнинг қўлтиқлари ёки сонларининг ичида шиддатлик оғриқ-алам вужудга келиб,

ТОУН – ВАБО

ўша мавзедаги без ғуддалардан бирининг шишиб (варам) қолиши билан табиблар олдида тоун вабоси исботи билан аниқланди. Мени таҳаюр фарқ этди. Табиблардан бу хасталикнинг иложи хусусида савол қилдим. Улар жавоб бердиларки:

– Бу хасталикнинг давоси ҳозиргача кашф қилинмагандир. Бунга мубтало бўлган киши ўлади ёки ўзича тўзалиб ҳам кетади.

Аср вақти эди. Аскар бошлиқларини йиғдим, вабо хасталиги қўшун афродларига кирганини билдирдим.

– Шунинг учун хасталарни ушбу Дор-абжардда қўйиб, соғларини тезлик билан бу минтақадан узоқлаштирмасак, бутун қўшунни вабога тутиб берган бўламыз, – деб ҳақиқатни баён қилдим.

Намозшом азони айтилди. Жамоат билан намоз ўқилиб бўлгандан кейин, менинг кечки таоминни қўйиш учун суфро ёзилмоғда эди. Қўққис вужудимда бир совуғлик пайдо бўлди. Орқадан титратиб юборди. Устимга қалин нарсалар ёпиб, иситмоғларини ходимларимга буюрдим. Ярим соатча ўтгандан кейин боғеи совуқ, иситмага айланди. Бошимга шиддатлик оғриқ кирди. Бунинг иложи учун қўшун табиби терлатмоқчи бўлиб гавзабон гулини қайнатиб ичирди. Сўнгра бир неча тошни ўтга қўйиб қизитди. Қизиқ тошни бир тоғорага қўйиб олдимга олиб келди ва бошимнинг устига қалин нарсалар ташлагандан кейин қизиқ тошга сув сеппи. Бундан ҳосил бўлган иссиқ ҳовурнинг шиддатига таҳаммул қилолмай бошимни ташқарига чиқариб турдим. Кейинча харорат мўътадил бўлганда яна бошимни ҳам ўраб, бир муддат ҳовурга димланганимдан кейин терладим, шундан кейин



қўлёзманинг биринчи саҳифасига «Мен – фотиҳ Темур» ўз қалами билан ёзилган нусха асосида. Форсийдан туркчага Абулқосим Абдулрахим Учкун ўтирган. Мухаррир: Яъқуб хўжа Маҳжурий. Ал мамлакатул Аробия ас Саудия, Тоиф, 1400 ҳижрий, 1979 миллодий», деб ёзилган.

Азизлар, сизларга тақдим этилаётган асарни ўқиш пайтингизда бир нарсага аҳамият беринг: сиз асл манбани ўқиётганингиз йўқ. Аслдан инглизчага, ундан французчага, ундан форсчага ва ниҳоят ўзбек тилига таржима қилинган. Мутаржим хориждаги ўзбеклар шеvasида иш юритганларки, биз бунинг фазилат ўрнида қўриб, таҳрирга ҳожат сезмадик. Айнан шу шевада тарих нафаси яхшироқ сезилиб тургандек туюлди бизга.

Демак, кейинги йилларда француз адиби Марсель Брион қаламига мансуб қўлма-қўл ўқилаётган «Менким – Соҳибқирон Темур» номли асар икки юз йиллар аввал Оврупага олиб кетилган қўлёзма асосида ёзилган.

Қуйида ана шу асарнинг эски ўзбек шеvasида битилган таржимасидан Тоун (Вабо) деб номланган қисмини эътиборингизга ҳавола қилаймиз. Лозим топсангиз, унинг тўлиқ вариантини tohirmalik.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

ТАҲРИРИЯТ

дафн қилғай».

Шуларни битиб, васиятнома охирини имзолаб, муҳр қилдим. Сўнгра Қорахон ва Амир Ҳусайн бошлиқ кўмондонларни йиғиб, васиятнома мазмунидан огоҳ қилдим ва:

– Қўшун хазинаси Қорахон амрида бўлғай, қўшунга тобе кишиларнинг маошларини узмасдан бериб турғай, – деб буюрдим.

Мен сўзлаб турганимда Қорахон йиғлаб бошлаган эди. Сўз тугаши билан уни қулдурмак, тўғриси, йиғисини тўхтатмак учун:

– Мен ўлганимдан кейин Зубайдани сенга бермайдилар, деб ўйлайсанми? Шу ташвишда йиғлаётган бўлсанг, бу масалани васиятномада алоҳида таъкидлаб ёзгандирман, – деб тегишдим.

Қорахон:

– Эй амир, мен Зубайда учун йиғламадим. Сиз кетгандан кейин даҳр дояси Сиз каби бир кишини ўз этагида парварिश қилолмаган, – деб туриб яна йиғлаб юборди.

Мен унга тасалли бергач, кўмондонлик хусусиятларини тушунтирмакка тушдим:

– Кўз ёшингни артгил, ўзингни қўшун идорасини олиб бормоққа ҳозирлагил. Сенга маълумдирки, қўшун бошлиғи кўп машаққат чекади. Роҳат ололмайди, кам уйку бўлади. Буларнинг ҳаммасига таҳаммуллик бўлиш лозимдур, – дедим.

Қорахон кўз ёшларини қуритди. Сўзимга иттиҳад эканлигини изҳор қилди. Мен давом этиб:

– Илгари ўзинг ҳам билган эдинг, хасталикка учраган сарбозларни Дор-абжардда ташлаб вабодан сақланмоқ учун бугун бу ердан жўнамоқчи эдик. Касални бошқа сарбозларга юқтурмаймиз деганда ўзим шу касалга учрадим. Лекин ўша қарорни амалга оширмак иши сенга қолди. Тездан ҳаракат қилиб, қўшунни Самарқандга етқузасан. Мен бўлса, бошқа сарбозларим би-

12

лан бирга шу ерда қолмоғим керак. Фақатгина бир неча мансабдорларим билан сарбозларим туриб турсун. Вафотим баробаринда жасадимни Самарқандга етқузсинлар, – дедим.

Қорахон:

– Эй амир, сўзингизда сизни бу ерда қолдириб, қўшунни олиб кетмоқ маънисни бор, – деди. Мен айтдим:

– Қўшунимизнинг хайри учун шу ишни қилиш лозим.

Буни эшитиб Қорахон қатъий тарзда:

– Мен бу ишни қилолмайман, – деди.

– Хўп, агар сен бу ишни қилолмасанг, бутун аскарлар ва мансабдорлар, шу жумладан ўзинг ҳам вабо билан қирилиб кетасизлар, – дедим. Қорахон бундай деди:

– Менинг жоним ва мансабдорларнинг жони, бутун сарбозларнинг жони сизнинг жонингиздан азияроғ эмас. Хаттоки, бутун қўшун эмас, бутун дунё халқининг жони бир тараф, сизнинг жонингиз бир тарафдур.

Мен бу ҳақда Қорахонга яна бошқа бир йўл билан таъсир қилмоққа уриндим.

– Қорахон, сен яхши биласан, сипоҳ бошлиғи ҳаммадан аввал ўз сипоҳининг маслаҳатини кўзда тутуши керак. Бугун сен, менинг муованатим остида бўлсанг ҳам вафотимдан кейин мустақил ҳолда қўшиннинг қўмондонидурсан. Сендан лозимдурки, қўшин маслаҳатини менинг жонимдан кўра аҳамиятлик билиб, уни таржих қилгайсан, – дедим. Қорахон:

– Сиз оддий бир қўмондон бўлганингизда шу сўзларингизга биноан қўшунни олиб кетсам мумкин эди. Аммо сиз Амир Темур Кўрагондурсиз. Сизнинг маконингиз шу даражадурки, жаҳон халқи қомилан ўз жонларини фидо қилсалар, сиз учун дегудек фидокорлик қилмаган бўлурлар. Душманларингиз ўғлингизни шу мамлакатда ўлдурдилар, сизни ҳам ўлдирмоқ касдида фурсат излаб вақт қутиб турган вақтларида, мен сизни нечук бу жойга ташлаб кета оламан? Йўқ, сиз сихат топгунингизча шу ерда қоламан. Агар Аллоху таоло ажалингизни ирода қилган бўлса, васиятингизга мувофиқ жасадингизни Самарқандга етқузаман, – деди. Мен:

– Хўп, сен қолгил, аскарлар ва мансабдорлар бу ердан кетсин, – дедим. Қорахон фикрини билдирди:

– Шу ҳолда қўшинни жилдирмоғимиз фойдасиздур. Нимага деганда, тоуннинг хиди қўшунга чирмашиб қолган. Бу ердан қимирлаган билан йўлда касаллик ўз таъсирини кўрсатадур. Сарбозлар йўлда ўлган бўладур. Яна бир андиша шулки, қўшинни жилдирмоғимиз ҳамон душманлар фурсатдан фойдаланадур, сизни ўлдурадур. Сизнинг жонингизни хифозати учун қўшинни бу ерда турмоғи зарурдур, – деди.

Вужудим хасталикдан нотинч бўлган, мубоҳасага қудратим келмаган эди. Қорахон бошлиқ тамом қўмондонларнинг тарқалишларига руҳсат бериб, бошимни ёстиққа қўйдим. Эртаси қўлтуғим остида шиддатли оғриқ ҳис этдим. Қўл тегиб кўрсам, қўлтўқ остида дардлик без, бўртма туюлар эди. Бўртманинг оғриғи шу қадар шиддат қилдики, ҳар қандай аламга тоқат қилган бир киши чидай олмас, ором ололмас эдим. Табиблар дардга таскин бериш учун шишган жойга совуқ сув қуйиб турар эдилар.

Учинчи кунни қўлтигимнинг остидаги варама (шиш) кўк товланиб, ҳов-

лима жовлимоққа бошладим. Иситма ҳарорати шу қадар шиддатланган эдики, менга яқин ўлтурган киши гўёки ўт манқали олдида ўлтургандек бўлур эди. Ундан кейин мен ўзимни қайси жойда эканлигимни пайқамай қолдим. Гоҳида ўзимни Самарқандда кўрар эдим. Гоҳи Форсада Музаффарий шаҳзодалари мукобилидаги манзара кўринар эди. Яна бироз сўнгра Тўхтамиш ўлкасининг тоғларида йўл йўқотиб саргардон юрар эдим. Шу хилда хаёлотлар мени жалб этиб, кўзимга кўриниб турганда, қулоғимга «ёрилди, ёрилди», деган овозлар эшитилди, оғриқ шиддати енгиллашган каби сезилди. Иккинчи кунни маълум бўлдики: менга эшитилган «ёрилди» овози атрофимдагиларнинг жароҳати ёрилди, уч олди, деб бир-бирларига берган башорат овози экан.



Жароҳат ўрнидан ҳар на қадар фасод, йиринг чиқса шу қадар енгиллик сезар эдим, бироз тетикланган бўлсам ҳам, бедармонлиқдан қимирлашга мажолим йўқ эди. Бироз ўтиб ёстиққа суяниб ўлтиришга қодир бўлиб қолдим.

Дор-абжард халқидан эркак-хотун, ҳар кимники қуввати етса, қочди. Қудратсиз кампирлар-чоллар қолган эди. Бир кунни бели букилган бир кекса одамни олдимга олиб кирдилар. Уни «дастур», яъни маъжусийлар пешвоси деб танитдилар. Чолнинг оғзида тиши қолмаган эди. Калималарини мукамал чиқаролмаган ҳолда:

– Эй амир, мен сизга асал олиб келдим. Сизни касалликдан турган эмиш, деб эшитдим. Касалдан турган одам камқувват бўлади, шу асалдан тановул қилсангиз, қувватга кириб қоласиз, – деди. Мен ундан:

– Сен нимага тоундан қочмадинг ёки бу касалдан кўрқмайсанми? – деб сўрадим. Кекса «дастур» жавоб берди:

– Эй амир, мен ҳар кунни бироз асал истеъмол қилишни ташламайман. Шунинг учун тоундан кўрқмайман. Ҳар киши кунда бироз асал

тановул қилиб юрса, шундай юқумли касаллардан ўзини сақлагай, – деди.

«Дастур»дан Инсон ҳар кунни бироз асал тановул қилиб юрса тоунга мубтало бўлмайди, деб сенга ким айтган?» деб сўрадим. «Дастур» жавоб берди:

– Буни бизнинг китобларимизда ёзгандурлар. Энг аввал Гоюмард деган киши бу ҳикматни шое қилгандур. Бу «Гоюмард»ни «Шоҳнома»да «Каюмарс» деб ёзгандур. Асли Гоюмард, яъни доно киши деб аталгандур.

Мен унга савол бердим:

– Сен «Шоҳнома»ни ёзган Фирдавсийдан билимликроғмисан?

«Дастур» тортинмасдан бемалол жавоб берди:

– Бале, эй амир, мен шеър айтолмасам ҳам, Эрон подшоҳларининг номларини ундан кўра яхшироқ би-

рилиб кетмоғига сабаб бўлғусидур, деган фикрда, хасталарни парварши қилишга лойиқ одамлар билан хасталарни қўйиб кетмоқ учун мураббийларга айтдим:

– Агар вафот этганлари бўлса, дафн қил, соғайганларини Самарқандга жўнат, – деб таълим бергак, Дор-абжарддан жўнашимдан аввал кекса «дастур»нинг видеоимга келганини кўрдим. У мандан:

– Қайси ерга бормоқчисан? – деб сўради.

– Ўз ватанимга қайтмоқчиман, – деб жавоб бердим. У айтди:

– Ватанингизга борур экансиз, барча ватандошларингиз тоунга учрайди (юқади) магар, уларнинг барчаси асалхўр бўлиши керак.

Мен унга:

– Хоразм халқи асални тез-тез истеъмол қилишиб туради, – дедим. У айтди:

– Бу ҳолда ватанингизга кирмасдан аввал қўшинни тамоман буғлаш орқали тоун исини эса йўқотиб, андан дохил бўлинг.

Ундан буғлаш усулини айтиб бермоғини сўрадим. У бундай деди:

– Кенгри уй бор бир минтақани топиб, қўшинингизни тўхтатинг, биёбоннинг қуруқ тиконларини тўплатинг, боёғи кенг уйларга аскарни киргизиб, қуриқ тиканга бироз сув сепаб (хўлланган тикан эниб кетмайди) тутатинг. Тутун зиёда бўлса, сарбозлар димиқиб қолмаслиги учун уй эшиклари очиқ турсун. Шу билан аскарлар Хоразм халқига юқумлик тоун ташиб бормаган бўлади, ҳаммаларингиз соғ-саломат яшайсизлар.

Мен унинг олдида бирмунча олту сиккаларини қўйдим. Кекса «дастур» яна олғали унамади. Ўзининг қўл учидида меҳнати соясида ҳаёт кечириб турганини, мазъси билан боғчасидан олган маҳсули, ўз машотига етарлик бўлганини баён қилиб узр этди.

Биз Дор-абжарддан жўнадик. Ҳаво салқин фаслга кирган эди. Форс билан Хуросон ўртасидаги улғу дашт саҳролардан иссиғ шиддати ташналик ранжи тортмай ўтиб кетдик. Аммо хасталик биздан айрилмади, ҳар кунни бир неча сарбоз хасталар сафига кирар эди. Ночор, Кориз Араб деган жойга келганда аскарларни буғламоқ учун тўхтатдик (бу минтақа Амир Араб исминда Тобис амири ижод қилган Кориз суви билан таъминлангани учун шу исм билан шухратлангандур).

Бу жойда мавжуд қалъа ичида, отларга махсус икки дона оғил бор эди. Шу ерни буғлаш учун мувофиқ топиб, ўн кунгача тамоми аскарни буғлатдим. Отларни эса саҳрода сақладик. Буғлаш ишлари битгандан кейин жўнадик. Самарқандга боргунча ҳеч ким тоунга мубтало бўлмай, шаҳарга кириб бордик. Самарқандга борган ҳамон Форс ҳокими нома ёзиб буюрдимки:

– Кекса «дастур»ни топиб, таблих қилинсун, «дастур»нинг қилган хизмати муқофотига барча Форс ўлкаларида яшаб турган маъжусийларнинг йиллик тўлайдургон молиётлари ушбу кундан тортиб беш йилгача афвдур.

Форс ҳокими, кабутар воситасида юборган хабарида, «дастур»ни суриштирса ўлганлиги, жасадининг маъжусийлар даҳмасига элтиб қўйилганидан маълумот берган эди.

Форсчандан Абулқосим

Абдуллаҳим Учқун таржамаси.

Аробия э Саудия,

Тоиф, 1979 милодий.

Манба: tohirmalik.uz

КАҲРАМОНЛАР ЎЛМАЙДИ

«...Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 17 йиллиги. Латвиянинг Лудза тумани, Сунуплява қишлоғи. Уруш олови, ўлим ўчоғидан тирик қолган Ўринбой ота, «Памяти отважного и смелого Уринбоя Абдуллаева. 1912 – 1944», исми ўйиб ёзилган мрамартош – ўзининг қабридан кўз узмайди. Уни 144-тепаликда ўрнатилган ёдгорликнинг очилиш маросимига таклиф қилишган. Узи тирик, аммо бу қабрлардан бири унга тегишли. Чунки уни ҳамма ўлди деб ўйлаганди...

1962 йил май ойида латвияликлар уни айрича ҳурмат билан кутиб олишди. Латвия халқи мардларча ҳалок бўлган ўн бир қаҳрамон хотирасини абадийлаштириш мақсадида тепаликка ёдгорлик ўрнатишди. Уларни иззат-икром билан қабрга қўйишни ўзларининг шарафли бурчи деб билишганди. Аммо қаҳрамони тирик, у ўлмаган. Бу хуш-хабар бутун давлат бўйлаб тарқалди. «Тирик қаҳрамон»ни кўриш учун ҳамма йиғилди.

Сан Остапенко сақлаган сурат

1944 йил 16 июль. Катта сержант Ҳакимян Ахметгелин бошчилигидаги ўн бир кишилик гуруҳ таркибида ўзбекистонлик оддий аскар Ўринбой Абдуллаев фронт чизиғи ортига юборилди. Латвиянинг Лудза тумани яқинида сон жиҳатидан душман аскарлари ортиқ бўлган разведка қуршовида қолиб, фашистларга қарши курашга киришди. Бунда гуруҳ стратегик муҳим 144-тепаликни ушлаб турган эди.

18 июлга ўтар кечаси. Кўп марта ўлим чангалидан қайтган Ўринбойнинг бу ердаги сукунат хаёлларини олиб қочди. Олдинда узоқ тун. Урушда қуёш ботмайди, тонгининг эса отиши қийин. Жанг майдонида соат ва сонининг фарқи бўлмайди. Кишиларда биргина мақсад бор: тирик қолиш! У охири жангдан кейин анча совуққон бўлиб қолганди. Беларуссияда кечган жангда энг яқин дўстини йўқотди. Унинг исми Александр эди. У кампа, одамови, яна кийимидан ертўлада чириган пийезнинг хиди келса-да, аммо бошқаларга нисбатан анча чапдаст эди. Гуруҳ аъзоларидан фақат Ўринбойни яқин олиб гаплашарди. Александр уни бир неча марта ўлимдан сақлаб қолди. Ўринбой дўстининг жонсиз танасини тиззасига қўйиб ўтирар экан, урушга бўлган нафрати ортди. Александрнинг ўлими Ўринбойни анча қатъиятли қилди.


Латвия осмонида тонг отишига кўп вақт қолмаганди. Сафдоши Андронов билан сув топиб келиш учун қишлоққа қараб йўл олди. Қишлоқ кимсасиз, ҳувиллаб ётарди. Ўлган болалар, аёллар, эркаклар, қонга бўялган тупроқ, вайронага айланган уйлар... манзара ачинарли эди. Фашистлар бу ерни яқсон қилишганди. Эшиги қийшайган уйдан ярадор аёлнинг инграши эшитилди. Аскарлар у томонга қараб югуришди.

– Ҳаммани ўлдиришди. Болаларимни ўлдиришди. Разведкачилар билан тилларинг бир, деб кўп қийноққа солишди. Мени ҳам яралашди, ўзимни ўлганга солиб ётдим, – деди у. Улар аёлнинг ярасини боғлаб, ўтлардан малҳам қўйди.

– Исмин Сан Остапенко. Сизларни ҳеч қачон унутмайман. Иложи бўлса эсдалик учун бирор нарса қолдиринглар, – деди аёл. Ўринбой ота ўзининг расми ва Орол денгизи акс этган маркани берган.

Мана, йиллар ўтиб, бу суратни аёл унинг қўлига тутди. Расм Ўринбой Абдуллаевнинг шахсини тасдиқловчи яна бир далил эди.

Ота беҳос ўша дахшатли тунни эслади: аёл билан кўришувдан икки кун ўтиб, ён-

АДАБИЁТГА ОШИҚ
ИНСОН ҚИССАСИ

гинасида душман снаряди портлади. Нима бўлганини англолмай қолди. Танасига қаттиқ оғриқ азоб берарди, қулоғи эшитмай қолганди. Кўз олдида қолган ягона манзара – бу олов ичида қолган қуролдошлари. Ҳушига келганда ўзини Берлиндаги концлагерда кўрди, у асирлар қаторида эди.

Асирлик! Бундан кўра ўлим афзал. Ҳа, Ўринбой Ватанига қайтиш умидида бу кунларга ҳам чидади. Фашистлар учун асир олинганлар одам эмасди. Уларнинг бошига ит кунини солишди. Охири йўқ қийноқлар, азоблардан руҳан чарчаганди. Очлик ўз кучини кўрсатарди. Аммо қаҳрамонимизнинг ғурури устун эди. Гитлер аскарлари ҳам унинг матонатига ҳайрон қолишди. Асирликдан қутулганида эса уни яна бир катта синов кутарди: тирик эканлигини исботлаш!

Ўринбой Абдуллаев ким?

1955 йил, орадан 10 йилдан ортиқ вақт ўтиб, у она юрти Қорақалпоғистонга келади. Бошига тушган шунча кўрғиликдан кейин, энди ёруғликка чиқаман деган йигитнинг боши яна тошга текканди. Ота-онаси ва сингиллари уруш йилларида вафот этишган, укаларининг орқасидан ўзига келгани каби қорахат келганди. Аёли Улбике эса бошқа киши билан турмуш қурган. Бир муддат вақт ўтгандан кейин у шахсий ҳужжатларини кўтариб, туман марказига йўл олади. Ҳарбий комиссар унинг ҳужжатларини кўздан кечириб:

– Сиз кимлигини биласизми, ўртоқ Абдуллаев? Сиз Совет Иттифоқи Қаҳрамонисиз! Олий Бош Қўмондон штабидан махсус топшириқ келган. Мана у, – деб комиссар сарғайган қозони унинг қўлига тутқазади.

СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1945 йил 24 мартдаги фармойишига кўра, фашист босқинчиларига қарши кураш фронтда кўмондонликнинг ҳарбий топшириқларини намунали бажарганлиги, унда довураклик ва мардлик кўрсатгани учун қизил армия аскарари Ўринбой Абдуллаевга «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони берилган эди.

Тўртқўлдан Москвага шошилишча почта

ҳужжатлар, жонли гувоҳларнинг кўрсатмалари ўрганиб чиқилади. Суриштирувлар олти йилга чўзилиб, 1961 йилда қаҳрамонимизни узоқ вақт кутган «Олтин Юлдуз» медали кўксига порлайди. Кўзидан оққан ёшларини артар экан, ўша мавҳум тунда командири билан тортишган воқеани

эслайди...

...Лудза туманида бўлган сукунат уни бир неча кун хавотирга солиб юрди. Бу ер шу даражада тинч бўлиши мумкин эмас! У командирига бориб, қуршовда эканликларини, тезроқ тайёргарлик кўриб, душман аскарларига тузоқ қўйиш кераклигини айтди. Командир оддий аскарнинг гапларини писанд қилмайди. У ёнидаги шериклари билан тош ва қумлар орасига миналарни жойлаштиради. Уч киши бўлиб, фашист аскарлари пистирма қўйган қишлоққа яширинча бориб, егуликларига заҳар қўшди. Қуршовда эканликлари хабарини бош бўлимга етказди ва гитлер армияси ҳақида тўпланган маълумотларни жўнатади. Ўша кунга улар снаряд парчалари тағида қолишларига қарамай, Ўринбой Абдуллаевнинг теран заковати туфайли душман аскарлари ҳам тор-мор этилганди.

«Жигит болсан арсландай туўылган»

У 1912 йил 5 апрелда Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл туманида таваллуд топган. Отаси деҳқон, онаси эса қолхозда ишлаб кун кечирган. Болалигидан адабиётга қизиқиши балан бўлди. Шунинг учун халқ оғзаки ижодиётини ўрганади. Қорақалпоқнинг классик шоирлари Кунхўжа, Ажинёз, Бердақ ва Ўтешнинг шеърларини ёддан билган. Бердақдаги халқчил услубни, Ажинёздаги қорақалпоқ халқига хос қиз-йигит айтишувини, Кунхўжадаги бой ва камбағал образини, Ўтешдаги теран лиризмга йўғрилган сатрларни китобга туширмоқчи бўлади. Айниқса, у Ажинёзнинг турли тилларда ёзган мухаммасларини севиб ўқийди.

Мактабга боришга шароити бўлмай, қолхозда оддий ишчи бўлиб ишлаган йигитни адабиётга қизиқиши асло тарк этмайди. Аммо уни олдинда ўзи ўқиган дostonлардан кўра, оғир кунлар кўтаётганини тасаввур қилолмасди. Суронли йиллар уни адабиётга, гўзалликка ошно кўнгилдан қўлига қурол олиб жангга шайланган аскарга айлантирди. Бердақнинг кўйидаги шеъри у учун аталгандек:

*Жигит болсан арсландай туўылган,
Хизмет эткил удайына халық ушын.
Жигит болсан арсландай туўылган,
Ҳеш қашанда жумыс қилмас өзи ушын.*

*Жетерсен муратқа хизметлер етсен,
Элатың силтесе ғайры элге кетсен,
Душпанын ҳар қашан басына жетсен,
Хизметинди айанбағыл халық ушын.*

*Өзи ушын ис етер ақылға зайыл,
Больш усындай заманға қайыл.
Ел қыдырган қылырымпаз гил сайыл,
Хизмет етпес хешқашанда халық ушын.*

*Жигит болсан арсландай туўылган,
Хизмет эткил удайына халық ушын!*

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА,
«Vatanparvar»

ЭХТИРОМ

«МЕНИНГ ЮРАГИМ ОТДАЙ»

94 Ёшли Мақсуд ота ҳикояси

«Хаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий хаво кучлари қўмондонлиги ҳарбий хизматчилари 25 март куни Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мақсуд ота Оқиллов хонадонига ташриф буюришди.

Мақсуд ота Ўзбекистонда илк бор алифбо яратган инсон, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони соҳиби Оқилхон Шарофиддиновнинг фарзанди. Маърифатга бўлган қизиқиш, китобга нисбатан ҳурмат бу хонадонга қадам қўйганимиздаёқ сезилди.

1926 йил 10 август куни Тошкент шаҳрида, Қозикўча маҳалласида туғилган қаҳраонимиз Иккинчи жаҳон урушига кетганида 17 ёшда бўлган.

– Уруш солган даҳшат туфайли юртининг норғул йигитлари фронтга отланди. Мен Самарқанд шаҳридаги аскарларни тайёрлов мактабига таълим олганман, 1944 йил август ойида қўлимга қурол олиб, урушга йўл олдим. Дастлаб Украина фронтда пиёда қўшинларида оддий аскар бўлиб хизмат қилганман. Бир куни резина қайиқда сув кечиб, ўрмон орасида минг машаққатлар билан оқоп қазидик. Оқопдан чиқиб отардик, яна қайтиб беркинардик. Оёғим яраланиб, икки ҳафта шифохонада даволандим, – дейди отахон. – Менга оғриқлар эмас, кунора дўстларимдан айрилганим, қуролдошларим сафи камайиб бораётгани кўпроқ азоб берарди...

Украина, Руминия, Венгрия, Польша, Молдавия, Чехословакия, Югославия ҳамда Прага шаҳарларида хизмат қилган отахон уруш даврини оғриқ билан сўзлаб берар экан, фронтда юз берган қизиқ воқеаларни ҳам хотирлади.

Илм олишга бўлган интилиш урушдан қайтганидан кейин ҳам Мақсуд отани тарк этмади. Тошкент давлат аграр университетига ўқишга кириб, Ветеринария факультетига таҳсил олади ва шу касбда фаолият олиб боради. Рафиқаси билан 4 нафар фарзандни тарбиялаб, олий маълумотли килди.



Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор», деб бежиз айтмаган. Шарқона тарбия кўрган, чаққон келинлар бир зумда тайёрлаган паловхонтўрани дастурхонга тортишди. Кетамиз, десак ҳам отахон: «Менинг уйимдан ҳеч ким бир коса овқат емай чиқмаган», дея ҳоли жонимизга қўймади.

Биз билан борган шифокор Мақсуд отанинг юрак уришини текширмоқчи бўлганида «Юрагим ҳали отдай. Мен соғломман», деди дадиллик билан. Ҳозирда ўттизга яқин набаира, чеваранинг сеvimли бобоси бўлиб яқинлар ардоғида кексалик гаштини сураётган отахонга ҳавас қилиб ортага қайтдик.

Шоҳсанам НИШОНОВА

АЁЛ ҚАЛБИ

КЕНГ ФЕЪЛ, КЕТМАС ДАВЛАТ ЭГАСИ

Қариялар дуога қўл очганда, одатда, Яратгандан кенг феъл ва кетмас давлат сўрайдилар. Чиндан-да, феъли ортиндан кетмас давлат топганлар орамизда кўп. Қуролли Кучлар хизматчиси Дилдора Бобоева ана шундай кенг феъл соҳибаси, кетмас давлатга етишган аёллардан бири.

Дилдора опа ишда қанчалик жиддий ва масъулиятли бўлса, оилада шунчалик меҳридарё инсон. Турмуш юмушларини аъло даражада бажариб, қайнонасига яхши келин, турмуш ўртоғига садоқатли ёр, фарзандларига меҳрибон она бўлиб келмоқда. Унга қараб Ойбарчин ҳам шундай бўлган бўлса керак, деган фикр хаёлингиздан ўтади.

Дилдора опа 1976 йилнинг 15 апрелида Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида туғилган. Пахтачидаги Қори Ниёзи номидаги ўрта мактабни тугаллагач, Самарқанд банк коллежининг бухгалтерия йўналишида тахсил олди. 1996 йилда турмушга чиқди. Шундай бўлса-да, ўз орзуларига етиш йўлидаги ҳаракатдан тўхтамади: 2004 йил Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга қабул қилинди. Бу

даргоҳда касбий таълим йўналишида ўқиркан, фан олимпиадаларида иштирок этди, бир нечтасида ғолиб бўлди. Тиришқоқ талаба 2008 йили ўқишни имтиёзли диплом билан тамомлади. Шу вақтдан бошлаб Самарқанд шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирининг хатлар бўлимида Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида фаолиятини бошлади.

Албатта, аёл кишининг ибратли ҳаёти биргина ўзига боғлиқ бўлмайди. Бунда атрофдагилар, қариндошлар, хусусан, оиласининг қўллаб-қувватлови ҳам зарур. Аёлга учмоқ учун қанотни ҳам, имкониятларини чеклайдиган қафасни ҳам оила беради. Бу борада Дилдора Бобоеванинг омади чопган. Негаки, унинг турмуш ўртоғи Шерзод Жаниев ҳам ҳарбий эди. У киши подполковник, захирадаги офицер. Шерзод ака Президент қўлидан «Жасорат» медалини қабул қилган, хизмати давомида кўп ютуқларга эришган инсон. Турмуш ўртоғининг ҳар жиҳатдан ижобий таъсири, кўмаги, тушуниши Дилдора опага ҳамisha катта далда бўлиб келганини қаҳраонимиз такрор-такрор таъкидлайди.

– Мен ҳарбийлар оиласига келин бўлиб тушганимдан фахрланаман, – дейди Дилдора опа. – Қайнонам Зирахол Жаниева 1955 йилдан ҳарбий қисмда алоқачи бўлиб ишлаган. Қайниларим – Ўткир, Улуғбек, Шерали ва Алишер Жаниевлар ҳам ҳарбий хизматчи. Айниқса, ўтган йили қайнонамнинг юртимизнинг фаол аёллари қаторида «Мўътабар аёл» кўкрак нишони билан тақдирлангани бутун оиламизни жуда қувонтирди. Бу мукофот у кишининг кўп йиллик фаолияти, шунингдек, Ватанга садоқат билан хизмат қилаётган мард ўғлонларни вояга етказгани эътирофи бўлди.

Касбидан бахт, меҳнатлари орқали эъзоз топган аёлнинг оиласи ҳам маҳалладаги энг намунали оилалардан. «Қандай орзуларингиз бор?» деган саволимизга, «Ўғлим Руслан ҳам келажакда ҳарбий хизматчи бўлмоқчи. Ёлғизгина ўғлимнинг орзуси ушалса, дейман. Вақти келиб уни уйлантирсак, ҳарбий келин олиш ниятидаммиз», дейди опа самимийлик билан.

Уруш йилларида таҳририятга қўллаб мақтублар келган. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»

газетасига андижонлик бир аёл ёзган мактубни эшитганим бор. Она тўрт қиздан кейин тилаб-тилаб ўғил фарзанд кўради. Зурриётимни катта қилсам, олий даргоҳларда ўқитиб уйимга ёр-ёр билан келин олсам, дея ширин орзуларга берилади. Уруш солган хавф онаизорнинг орзуларида ҳам кўрқинч уйғотади. «Болам ўн саккизга кириб армияга кетса, омон қайтармикан? Ёлғизгина ўғлимдан айрилиб қолмасмиканман?» деган ўйлар билан газетга мактуб ёзиб, дилидагини қоғозга тўқади.

Дилдора Бобоева билан суҳбатимиз давомида бугунги оналар учун фарзандини армияга юбориб, юрт хизматида бериб, юзи ёруғ, кўнглини тўқ қилиш буюк бир мақсадга айланганини ҳис қилдим. Бугуннинг аёли нафақат ўзини, балки фарзандларини ҳам Ватан учун аямайди. Шу ўринда Ҳалима Худойбердиеванинг «Ўзингни аяма, Ватан десалар...» шеъри ёдимга тушди. Омон-омон кунлар бардавом бўлсин. Касбидан бахт топган ҳарбий оилалар ҳам.

Ш. ЖУМАЕВА

КАҲРАМОНЛИК

(Давоми. Боши ўтган сонда)

– Унтер-офицер Юрген Вебер полк штабининг хўжалик қисмида хизмат қиларкан, – деди Иван Игнатъевич, ўзининг жонини омон сақлаши мумкин бўлган одамни учратиб қолганидан шошилиб, бидиллаётган хўппа семиз немиснинг гапларини таржима қилатуриб. – Битта ҳам ўқ отмаган, русларни ўлдирмаганмиш.

– Биламан, бунақа авлиёларни, – тишини ғижирлатди капитан Тулаев, – асирларни, тинч аҳолини ана шунақа хўжалик қисмининг аскарлари отишади. Қўлга тушиб жони кўзига кўринганда эса бошқача сайраб қолишади. Игнатъич, сўранг-чи, фронт чизиги қаерда экан ҳозир?

Фашист докторнинг саволига жон деб жавоб берганча бидилларкан, ҳадеб унга ёқшига уринар, баъзан улар сўрамаса-да, ўз ихтиёри билан билганларини гапириб беришга шошиларди.

– Бу ердан беш чакирим шарқда, Шура дарёси қирғоқларида экан. Ўртоқ комбат, мотоциклининг кажавасида планшети бор экан. Унда харита бор деяпти.

– Кажавода ҳеч нарса йўқ, ўзим тинтиб кўрдим, – суҳбатга қўшилди бир четда жим ўтирган лейтенант Грач.

– Ўриндик сунячиги ортидаги ғаладонда экан. Захира ғилдирак ўрнатилган қопқоғининг дастаги чап томонда эмиш.

Грач шошилиб чиқиб кетди ва бироздан кейин бир қўлида планшет, иккинчисидо эса кимё лабораторияларида ишлатиладиган қолбага ўхшаган катта шиша идишни кўтариб келди. Идиш ярмигача аллақандай жигарранг суюқликка тўлдирилган, икки қулоч резина найча унинг оғзидан чиқиб турарди.

– Бу яна нимаси? – қошларини чимирди капитан. – Билмадим. Оғзидан коньяк ҳиди келяпти.

Шу пайт фашист жонланиб қолди. – Я, я, коньяк. Наполеон! – ғулдираганча найчанинги учини оғзига тикиб, икки-уч қултум ғултиллаб ютди.

– Бас қил майнавозчиликни! Ҳозир яна ўчиб қолиб, сўроқни расво қилади!

Комбатнинг ўшқирғидан кейин асир найчани ташлаб, жойида тек қотди.

– Бу тўнғиз ўзига зўр шароит яратиб олганини қаранг-а, ўртоқ капитан. Кажавога ястаниб олганча, орқасида беш литр коньяк, найча билан сўриб, кайфини уриб кетаверади. Шунинг учун кажавадан туширгунча бўларимиз бўлган экан-да!

– Грач, харитани ол!

Штаб бошлиғи фашистнинг қора чарм планшетидан найча қилиб ўралган харитани олиб, стол устига ёзиб қўйди. Харитадаги ёзувлар ва шартли белгилар мутлақо нотаниш эди. Бақалоқ унтер-офицер жон деб барчасини тушунтириб, фронт чизигини кўрсатиб берди. Маълум бўлишча шимолдан жанубга қараб оқадиган Шура дарёсининг шарқий соҳилида совет қўшинлари, ғарбида эса фашистлар.

– Демак, бизникилар ҳамон дарёни кечиб ўтишолмабди-да, – деди Тулаев ўйчан, қўлидаги қаламини столга бир-бир ураркан.

– Манави тошқўприк бутунми? – қаламининг учини харитага нуқиб сўради капитан фашистан.

Ўзидан нима сўрашаётганини доктор орқали англаган Вебер, бошини ликиллатиб, «Я, я», деди ва бир қанча нарсаларни гапириб ташлади.

– Фашист қўмондонлиги қарши хужум қилаётганимизда асқотади, деб кўприкни портлатмасликка қарор қилибди. Кўприкнинг чап томонини руслар, ўнг томонини фашистлар эгаллаб олиб, бир-бирларига пулемёт ва милтиқлардан ўқ отиб туришганимиш, – деди Иван Игнатъевич кўзойнагини рўмолчаси билан артаркан.

– Биз ҳақимизда нималарни билишаркан?

Иван Игнатъевич анча гапиришга тўғри келди. Бирок фашист ҳеч нарсани тушунмаганлигини билдириб, елкасини қисар, бир нарсалар деб ғулдиради.

– Ўртоқ комбат, бизнинг батальон ҳақида у ҳеч нарсани билмайди. Билгани шуки, бундан икки ой олдин дарёни кечиб ўтган батальон қуршовга олинган ва қириб ташланган эмиш. Бизни эса шу ўрмонда ўрнашган кичик партизанлар отряди деб ўйлашаркан.

– Яхши, – деди Тулаев бир неча ойдан бери илк бора жилмайиб, – бу жудаям яхши, агар шундай ўйлашаётган бўлса! Хўжалик қисмида хизмат қилаётган бўлса, билиши керак, сўранг-чи, бугун байрамни қандай нишонлашаркан?

Фашист «осиёлик ваҳшии» – эчкисоқол капитанинги энди ўшқирмаётганини кўриб, Ўзини бироз босиб олди. Докторнинг берган саволига илжайганча ширин тамшаниб жавоб берарди.

– Полк штабига шунақа ичимлик ва озик-овқат

тўла машинадан тўрттаси етиб келган.

– Раҳмат, Игнатъич. Сўроқни тугатсак ҳам бўлади. Асирни олиб чиқинг.

Фашистни икки аскар олиб чиқиб кетишганидан кейин доктор ҳам руҳсат сўраб ўрнидан турди. Тулаев чўққи соқолини тутамлаганча харитага энгашди. Грач эса чўнтагидан ялтироқ портсигар чиқариб, ичидан немис сигаретини олди-да, бироз эзгилаб туриб, кейин лабига қистирди. Гүгурт чақиб тутатган эди, палаткага олий сифатли тамакиннинг хушбўй ҳиди таралди.

Шундагина капитан бошини кўтариб, унга ҳайрат билан, қисик кўзларини баттар қисиб қаради. Сигарет-ку майли, сассик мохорка ҳам тугаганига уч ҳафтача бўлиб қолганди-да.

ЁРИБ ЎТИШ

(ХИКОЯ)

ёхуд бир ўзбек жангчисининг бошидан кечирганлари



– Билсак бўладими, бу شوҳона дабдаба кимнинг муруввати?

– Қорбобонинг, – шарақлаб қулиб юборди штаб бошлиғи, – Юрген Вебер исмли хўппа семиз қорбобонинг муруввати, ўртоқ комбат. Ҳозиргина Борисов бериб кетди. Буниси сизга, – Грач чўнтагидан худди шунақа портсигар ва немисларнинг безин билан ишлайдиган зажигалкани олиб, харита ёзилган қўлбола стол устига қўйди.

Тулаев портсигар ва зажигалкани қўлига олиб, томоша қила бошлади.

– Энағарлар, бунақа нарсаларни ясашни қотиришади. Агар ёнимда бир чимдим мохорка бўлганида бунинг бетига ҳам қарамасдим!

Тулаев ҳам сигарет тутатиб, маза қилиб тутун пурқади. Унинг кайфияти кўтарилди. Бугун тунда фашистлар байрам қилиб маст-аласт юрганида бирдан тошқўприкка хужум қилиб, қуршовни ёриб ўтшини ўйлаб бошлади.

– Грач, – деди капитан қулдон ўрнига қўйилган бўш консерва қутисига сигаретини босиб ўчирар экан, соатига қўз ташлаб олди, – янги йил киришига олти соат қолибди. Кел, режани яна миридан-сиригача қайта ўйлаб чиқайлик.

– Вальдемар Кирсанович, – деди, штаб бошлиғи тирсагини харита устига қўяркан (у масъулиятли палларардагина комбатнинг исми-шарифини тилга олар, бошқа пайтларда «ўртоқ капитан» ё «ўртоқ комбат», деб қўя қоларди), – йигитлар оч ва силласи қуриган эди. Мана энди тўйиб овқатланиб олиши. Кайфиятлари кўтарилди. Бемалол хужумга қира оламиз. Машинамиз ва мотоциклимиз бор. Ярадорлар ва чарчаганларни машинага оламиз. Буйруқ берган захотингиз хужумга ўтаверамиз.

– Ярадорлар ва ҳолдан тойганлар неча кишилигини аниқла. Улар машинага чиқишади. Қолганларни ўрмон орқали кўприккача мен бошлаб бораман. Бу нуқтада, – Тулаев харитага қалам учи билан нуқиб кўрсатди, – кутиб турамыз. Сен эса машина ва мотоциклда тўғри тошўл билан борасан. Қоқ ярим тунда тошқўприк устида янги йил салютини отамиз.

– Кўприккача беш чакиримдан кўпроқ, – Грач харитага термилганча мушоҳада қиларди, – пиёда йигирма дақиқаларда етиб борса бўлади. Лекин ўрмон оралаб бориладиган бўлса, кирқ-кирқ беш дақиқа кетади. Ҳали йўлда қанчақа тасодифлар учрайди, бу ёлғиз худога аён. Шунинг учун янги йил киришига роппа-роса бир соат қолганида йўлга тушсангиз бўлавераркан, Вальдемар Кирсанович.

– Тўғри, шундай қилишимиз керак. Сен эса, Грач, техникаларда узоғи билан ўн дақиқада ўша ерда бўласан. Ўлдирилган фашистларнинг фор-

масини кийиб олинлар. Шунда ишончли бўлади. Дарвоқе, ўзинг билан кимларни олмақчисан?

– Муродовнинг гуруҳини олсам, дегандим. Бугун зўр иш қилишди, азаматлар.

– Буни қара-я, индамай, жимгина юргани билан, пайти келганда дадил қарор қабул қила олишини кўрсатиб қўйди. Ўзимизникиларга етиб олганимиздан сўнг уни орденга тавсия қилиш керак. Агар унутсам ё бир бало бўлсам, сен буни амалга ошир.

– Немис формасида кўприкни ёриб ўтдик ҳам дейлик, уёқда ўзимизникиларнинг зарбасига дуч келишимиз аниқ-ку!

– Тўғри, буёғи ҳам бор. Кўприкка чиқиб олгандан кейин мотоциклда оқ байроқ кўтариш керак. Шунда отишмайди. Етиб олгандан кейин ўзлари аниқлаб олишади. Ҳа, айтганча, анави Вебернинг формасини Игнатъичга кийдириб, кажавога ўтқизиб қўй. Ўзимизни немис қилиб кўрсатмоқчи эканмиз, ахир кимдир немисча гапириши ҳам керак-ку!

– Инжиқ чол бунга кўнармикан?

– Бугун кайфияти яхши. Агар анавини ўриндик



орқасига қўйиб, – Тулаев Вебернинг коньякли идишига ишора қилди, – найчасини қўлингга тутқазаман, деб ваъдани қуюқ қилсанг, йўқ демаса керак!

Икковлари бирдан қулиб юборишди. Палатка бу ерда пайдо бўлганидан бери бунақа ҳодисага илк бора гувоҳ бўлаётганидан лопиллаб кетди.

– Веберни нима қилай, совуқда яланғоч олиб кетавераманми?

– Қуршовни ёриб чиқадиган гуруҳда асир олиб юрилмайди. Отиб ташла!

– Ахир...

– Биламан, унга ичинг ачяпти. Бирок уни бу ерда қолдириб ҳам, олиб кетиб ҳам бўлмайди. Нозик паллада панд бериб қўйиши мумкин. Бизга шундай ёрдам бергани билан барибир у – душман! Буни уруш деб қўйибдилар. Бу ердан одамгарчилик мезонлари бутунлай ўзгариб кетади. Асир отиб ташлансин! Буйруқ тушунарлими?!

– Худди шундай, ўртоқ капитан!..

...Миридан-сиригача пухта ўйланган режа ҳаммиша қўнгилдагидек амалга ошавермас экан. Тулаев ва Грачнинг ҳафтала давомидо ўйлаб, бир неча бор муҳокама қилиб, тузган режалари сўнгги дақиқаларда ўзгариб кетди.

Капитан Тулаев ўз гуруҳини бошлаб йўлга чиқишига ярим соат қолганида навбатчи аскар палаткага масхалат кийган уч кишини бошлаб кирди.

– Дивизия разведротаси командирининг ўринбосари капитан Башкатов! – ўзини таништирди қотмадан келган, бандан бўйли йигит.

Комбат унга бироз тикилиб турди-да, кейин бирдан қичқириб юборди.

– Боря, наҳотки, бу сен бўлсанг! Танимадинг-а?!

– Володя! Тулаев! Наҳотки, тирик бўлсанг, икки ой олдин сени тирикмикан, деб ўйламагандим! Кел, бир бағримга босай, шунда тириклингнга ишонаман.

Башкатов чўққи соқоли шамолда қолган майсадек дир-дир титраётган Тулаевни бағрига босди.

– Менга қара, Володя, – деди Башкатов шалок курсига ўтираркан, – бугун кундузи фашист автомашинасига хужум қилганлар сенинг шоввозларинг эдимми?

– Ҳа, менин азаматларим. Дарвоқе, Боря, қорин қалай?

– Икмони бўлса, у-бу еволсак ёмон бўлмасди. Сўнгги сухой паёкни очганимизга ҳам икки кун бўляпти.

(Давоми бор)

Кичик сержант Ортиқбой ҚУРАМБОВ

МАШҲУР САРКАРДАЛАР

МАННЕРГЕЙМ – ЭНГ ЯХШИ ФИН ҚҰМОНДОНИ

“ Майкл Ли Лэннинг «Юз буюк саркарда» номли китобидан ўрин олган машҳур қўмондонлар орасида Финляндия тарихида ўчмас из қолдирган, халқ орасида «Фин Вашингтони» деб ном олган ва катта ҳурмат-этиборга сазовор бўлган маршал Карл фон Маннергейм ҳам бўлиб, у Биринчи жаҳон уруши даврида ўз Ватанининг Россиядан мустақиллиги учун олиб борилган курашга раҳбарлик қилган ҳамда Иккинчи жаҳон уруши вақтида ва ундан сўнг давлат мустақиллиги сақлаб қолинишига катта ҳисса қўшган.

Маннергейм 1867 йилнинг 4 июнида Турку яқинидаги Виллякс шаҳарчасида, зодагонлар оиласида дунёга келган. У даврларда Финляндия Россия империясининг бир қисми ҳисобланар эди. Иқтидорли ва қобилиятли ёш йигит рус армиясида хизмат қилади ва тез орада артиллерия поручиги унвонига сазовор бўлади. У 1895 йилнинг 26 майида қирол Николай II ва қиролича Александранинг тож кийдириш маросимида фахрий қоровул сафида жой олган. Кейинчалик майор унвонига лойиқ кўрилган Маннергейм 1904-1905 йилда рус – япон урушида иштирок этади.

1917 йилда Россияда содир бўлган Октябрь инқилоби оқибатида рус армияси парчаланиб кетганидан сўнг Маннергейм Ватанига қайтади ва Финляндия мустақиллиги учун кураш олиб бораётган ватанпарварлар сафига қўшилади. 1918 йилда Ғарбий Финляндияда Оқ армия қўмондонлигини қабул қилганидан сўнг коммунистлар томонидан тузилган Қизил гвардияга қарши кураш бошлайди. Ваза шаҳрида Маннергейм рус гарнизонини кўп миқдордаги қурол ва ўқ-дорилари билан бирга асирга олади. Бу ҳарбий ўлжадан унумли фойдаланган қўмондон қизилларга қарши курашни давом эттиради. Тампере яқинида Қизил гвардиянинг асосий кучларига қарши тўқнашувда Маннергейм армияси тўхтатилади. Бироқ айти шу вақтда урушга қўшилган немис армияси 18 апрель кунини Хельсинкини қўлга олади ва рус қўшинини икки қисмга бўлиб ташлайди. Шу тарзда рус армияси Биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учрайди, немис қўшини Версал тинчлик шартномасига кўра Хельсинкини тарк этади, Финляндия эса мустақилликка эришади. 1918 йилнинг 12 декабрида Финляндия регенти (муваққат подшоси) деб эълон қилинган Маннергейм Қизил гвардия қолдиқларига қарши ҳарбий операцияларни давом эттиради. 1919 йилнинг 17 июнида ички тўқнашувлар ниҳоясига етиб, Финляндия республика деб эълон қилинади, Маннергейм эса истеъфога чиқади.

1931 йилда мамлакат ҳукумати 60 ёшдан ошган Карл фон Маннергеймни яна давлат хизматига қайтариб, Мудофаа кенгаши раиси лавозимига тайинлайди. Унинг асосий вазифаси Финляндияни қайта тикланган советлар ҳавфидан ҳимоя қилишдан иборат эди. Маннергейм саккиз йил мобайнида мудофаа истеҳкомлари линиясини қуриш ишларига раҳбарлик қилади. Кейинчалик «Маннергейм линияси» деб ном олган мазкур истеҳком қурилиши деярли якунланган бир вақтда – 1939 йилнинг 30 ноябрида 1 миллион кишидан ортиқ кучга эга бўлган совет қўшинлари Финляндияга ҳужум бошлайди. Фин армиясининг Бош қўмондонига айланган Маннергейм ихтиёрида 300 минг киши бўлиб, улардан фақат 50 мингга яқини мунтазам армия ҳарбий хизматчилари эди. Аммо фин жангчилари яхши тайёргарликка эга, қалин ва сифатли қишки кийимлар, қурол-яроғ ва тезкор ҳаракатланиш имконини берувчи чанғилар билан таъминланган эди. Душман жангчиларининг тайёргарлиги ва таъминоти эса аксинча, талаб даражасида эмасди. Қирқ даражадан ортиқ совуқ ҳарорат ва маҳаллий рельефнинг ўзига хос хусусиятларидан самарали фойдаланган Маннергейм душман ҳаракатини сусайтириш, пистирмалардан самарали фойдаланган ҳолда, уни таъминот базаларидан ажратиб қўйишга эришади. Сўнгра снайперлар ва артиллерия ёрдамида тарқоқ бўлинмаларга қақшатқич зарбалар беради. Шу тариқа душманнинг 27 минг нафар аскарлари қириб ташланади,



финларнинг йўқотиши эса 900 кишини ташкил этади. Бироқ катта миқдордаги қўшинга эга бўлган душман Маннергейм линиясини ёриб ўтиш учун яна 54 та дивизияни жангга ташлайди. Қақшатқич тўқнашувлар давомида фин армияси 25 минг кишини йўқотади, советлар эса бундан деярли ўн баробар кўп жангчидан айрилади (400 мингдан зиёд ярадорларни ҳисобга олмаганда). 1940 йилнинг 12 мартида Финляндия таслим бўлади, аммо советлар партизанлар уруши олиб бормаслик шарт билан мамлакатга маълум даражада мустақилликни сақлаб қолиш имконини беради.

1941 йилда Германия Россияга ҳужум қилганидан сўнг, Финляндия немислар билан иттифоқ тузади ва Маннергеймни яна армия бошқарувига қўйиб, русларни ўз ҳудудидан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади. Қўмондон бу вазифани ҳам муваффақиятли ҳал этади ва фельдмаршал унвонига сазовор бўлади.

1944 йилда Германияга қарши урушда устунликка эриша бошлаган советлар яна Финляндияга бостириб қиради.

Маннергейм армияси мардонавор жанг қилади, аммо душманнинг сон жиҳатидан устунлиги Финляндияни яна тинчлик битими тузишга мажбур қилади. Бу 1944 йилнинг 4 сентябрида содир бўлади. Битимга мувофиқ, Маннергейм ўзининг сўнги ҳарбий кампаниясини амалга ошириш, яъни собиқ иттифоқчи-немисларни Лапландиядан сиқиб чиқаришни ўз зиммасига олади. Шунингдек, янги битимга кўра, Маннергейм Финляндия Республикаси Президентига айланиши лозим эди. У ўзини сиёсий манёврлар устаси сифатида намоён этган ҳолда, урушдан кейинги даврда ҳам мамлакат мустақиллигини сақлашга эришади. Кексайган ва саломатлиги бироз ёмонлашган Маннергейм 1946 йилда истеъфога чиқади. Ватанпарвар, ўз халқининг содиқ ўғлони, мамлакат қаҳрамони Карл фон Маннергейм бир неча йилдан сўнг, яъни 1951 йилнинг 27 январидан Швейцариянинг Лозанна шаҳрида оламдан кўз юмади.

Сиёсатшунослар фикрича, агар Маннергейм бўлмаганида ҳозирда Финляндия ҳам бўлмаслиги мумкин эди. Унинг ҳарбий ва сиёсий маҳорати туфайли бу мамлакат иккита жаҳон уруши ҳамда урушдан кейинги сиёсий қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтишга эришди. Мустаҳкам мудофаа иншоотлари қуриш ва сон жиҳатидан устунликка эга бўлган душманга қарши ноқулай об-ҳаво шароитларида манёврга бой жанглар олиб бориш маҳорати туфайли Маннергейм энг яхши фин қўмондони шарафига сазовор бўлган.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗГА НИМА ЕТИШМАЯПТИ?

“ Ер юзини эгаллаган коронавирус бугун дунё спортга ҳам катта танаффус берди. Йирик-йирик мусобақалар қолдирилмоқда, спортчилар ҳам барча фуқаролар каби карантин қоидаларига риоя этган ҳолда вазият юмшашига умид боғлаб ўтирибди. Бу палла ҳамма каби бизнинг спортчиларимиз учун ҳам дўппини бошдан олиб, эришилган ютуқ ва йўл қўйилган хато-камчиликларни ўйлаб олиш учун қулай фурсат. Айниқса, футболчиларимиз учун.

Қуйидаги фикрлар футбол бўйича ўтган йилги Осиё кубогининг плей-офф босқичида тўқнаш келган Ўзбекистон ва Австралия учрашувидан кейин хаёлини банд этганди. Бироз кеч бўлса-да, уни ҳукмингизга ҳавола этишни жоиз топдик. Буни бирор спорт нашрида ҳам ўқишингиз мумкин эди. Лекин гап Ватан, унинг ори ҳақида кетар экан, энг аввало, ҳарбийларимиз ўқиши керак, деган хулосага келдик. Ўша учрашувни кўрмаган, ҳаяжонланмаган ва асабийлашмаган юртдошимиз топилмаса керак. Футболга умуман қизиқмайдиган кишининг ҳам ўртага миллат шаъни, юрт обрўси тикилса, кўзи ёниб кетаркан.

Ўйинни эслайлик: қўшимча таймлар бошланган пайт ҳам ғалабага бўлган тоғдек ишонч бор эди. Темирдек матонат, рақиб ким бўлишидан қатъи назар унга қарши муносиб ўйин кўрсатиш, рост, миллий терма жамоамиз тарихида доим ҳам учрайдиган ҳолат эмас. Устига-устак, футболчиларимизнинг бу галги Осиё чемпионатидаги ўйинларида камалакнинг бор ранги бўй кўрсатаётган эди. Австралия билан шу пайтгача дуранг ҳам ўйнай олмаган жамоамиз учун бу жуда яхши натижа. Лекин афсуски, мағлубиятга учрадик. Ҳа, фақатгина футболчиларимиз эмас, биз ҳам мағлуб бўлдик. Чунки футболчиларимиз фақатгина ўзларининг эмас, балки Ватан номидан тўп суришганди. Бунинг учун ҳеч кимни айбламоқчи эмасман. Шунчаки баъзи фикр-мулоҳаза ва таклифларимни билдирмоқчиман.

Авалло, мураббийга ташаккур айтмоқ керак. Чунки Күпер футболчиларимиз имкониятидан тўғри фойдалана олди, уларни устамонлик билан ўйинга йўналтирди. Бундай қисқа вақт ичидаги натижа мураббий ва вакилларимиз учун ёмон кўрсаткич эмас.

Биласизми, ўша учрашувда футболчиларимизга нима етишмади? Тўғри, бу – футбол, кимдир ғолиб бўлиши учун кимдир мағлубиятга учраши шарт. Фақат бу сенинг жамоанг бўлса, алам қиларкан. Майли, алани бир четга суриб қўйилик-да, айтмоқчи бўлган гапимизга қайтайлик. Комил ишонч билан айта оламани, ўшанда футболчиларимизга миллий ғурур ва шеърят етишмади! Бу гапим билан бизнинг

футболчиларда саналган нарсалар йўқ, демоқчи ҳам эмасман. Бор бўлса, демак, етарли эмас (раҳматли сўз устаси Ҳожибой Тожибоев айтмоқчи: «демак, чуқурроқ ҳайдамагансан»). Футболчига шеърят нима керак, дегувчилар ҳам топилар. Керак! Мана нимага керак.

Ўйин олди янграйдиган давлат мадҳиясидан муддао не деб ўйлайсиз? У шунчаки қайси давлат вакиллари майдонга тушиб келганини билдириш учун эмас, футболчиларга улар ортида турган давлати, халқи, ватандошларини сўнгги лаҳзаларда яна бир марта эслатиш ва руҳини ўстириш учундир. Шу ўринда айтиш мумкинки, демак, бизнинг футболчиларга жисмоний тайёргарликдан ташқари маънавий шиоқлик етишмаяпти. Бу бўшлиқ шеърят билан тўлдирилса, нур устига нур бўлади. Чунки шеърятнинг инсон руҳияти бойишида улкан хизмати бор. У биз учун ўзлик, у биз учун тарих, у биз учун шараф, у биз учун она Ватан, у биз учун ишончли ва айна дамда сув ва ҳаводек зарур ғалабадир! Бундан ортқ яна не бўлсин шеърят?!

Юртимизда фаолият юритаётган футбол академияларига алоҳида шеърят дарсларини киритиш, ўйлаймизки, ўзининг ижобий натижасини бериши мумкин. Футболчилар давлатимиз мадҳиясини қалби тошиб қанчалки ғурур билан айтса, Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон», Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим», Шавкат Раҳмоннинг «Туркийлар», Рауф Парфининг «Она тилим» шеърини ҳам ундан кам бўлмаган ҳаяжон билан айтиб юриши керак. Ана шундагина чармтўп усталарида миллий ғурур туйғуси баланд бўлади, пишиқ бўлади ва энг муҳими, ўша Австралия билан бўлган баҳсдаги каби сўнгги лаҳзаларда камдан кам ҳолатда хатога йўл қўяди. Дунё тажрибасини ўрганадиган бўлсак, санъат ва маданиятга умуман алоҳиса бўлмаган соҳа мутахассисларини етиштириб чиқарадиган таълим масканларида ҳам адабиёт алоҳида курс ёки дарс соатлари сифатида ўқитилади.

Футболимизда бўлаётган ўзгаришлардан, очиғи, мукамал даражада хабардорман, деб айта олмаيمان. Балки яхши янгиланишлар бўлаётгандир. Мен шунчаки уни мунтазам кузатиб бормаганим боис

хабардор эмасман. Аввал бутун оиламиз билан яхшигина қизикардик. Ҳозир қўлни ювиб, қўлтиққа урганмиз. Сабаб-воқеа мана бундай бўлганди.

Хуллас, акамнинг футболга бўлган иштиёқини сезган дадам уни 4-синфлигидан бошлаб футбол академиясига жойлаштирди. Саккиз йиллик сабоқ, албатта, ўз сўзини айтди. Яхшигина футболчи бўлиб етишди. Бир сафар пойтахтга (акам ўқиган академия вилоятда эди) мусобақага келишганида акамнинг ўйинини маъқул топган мураббийлар уни пойтахтнинг нуфузли клубига олиб қолишганди. Бир ойча машғулотларда қатнашган, ўз ўйини билан жамоадолларининг ҳам меҳри ва эътиборини қозongan акам ҳе йўқ, бе йўқ тарвузи қўлтиғидан тушиб, уйга қайтиб келди. Нима бўлганини сўрасак, гапиргиси келмайди.



Қистовдан сўнг айтишича, клубда истеъдодли футболчилар талайгина бўлиб, асосий ўйинлар пайти уларнинг кўпчилиги захира ўринида қолиб кетар экан. «Бўш» қолган ўринларга эса бирор кун бўлса-да машғулотларда қатнашмаган, жамоанинг кийим алмаштириш хонаси қаерда эканлигини ҳам билмайдиган клуб ҳомийларининг «ўйинчилари» келиб, тўп суриб кетаркан. «Улар худди ишдан кейин ҳордиқ чиқариш учун футбол ўйнаб турадиган дўстлар ёки жамоадолларга ўхшайди, ютса-ютқазса, ҳеч нарса йўқотмайди, уларга ҳеч нарсанинг фарқи йўқ», дейди. Охири мураббий бечора ёрилибди. «Ҳаммасини ўз кўзинг билан кўриб турибсан. Мураббий бўлсам ҳам бирор нарса қилмайман, улар ҳомийлик қилмаса, клуб тарқалиб кетади, иложсизман...» дермиш бечора. «Nexia» автомобили янги чиққан пайтлар эди ўшанда. Клубда ўйнаш учун шунга етадиган «ҳомийлик» пули сўралган. Уйимизда «Ваз-2103» русумли машина бўларди. Дадам: «Шуни сот!» деганида, акам унамаганди. Эҳ, дада, ўшанда «Nexia» нгиз бўлса бўлмасмиди.

Шу-шу, акамнинг футболга бўлган меҳри шамол ўчирган чўғдек бўлди. «Футбол шундай бўлса, ўйнамаганим бўлсин!» Ўрни келганда айтиб қўйай, «қизиқувчи» инсонлар, қонун ҳимоячилари, бу қайси клуб эди, акангиз ким, айтинг, чора кўрайлик, деб овора бўлиб ўтирманг. Барибир айтмайман, чунки мен ҳеч кимнинг устидан мағзава ағдарганим ё тухмат қилганим йўқ. Агар даъвоим бўлса, тегишли жойга ўзим мурожаат қила оламан. Шунчаки ўша аламли мағлубиятдан кейинги фикрларимга ҳаётини мисол илова қилдим, холос. Балки булган клубларимизда шу ва шунга ўхшаш ҳолатлар умуман учрамас. Илоҳим, учрамасин. Биз эслagan воқеага ҳам чама-си ўн йилдан ошди-ёв.

Гапим сўнггида яна такрорлайман: футболчиларимизга миллий руҳ ва миллий ғурурни ўстирувчи шеърят етишмаяпти!

Ҳа, яна бир гап: балки бошқа яна кўп-лаб тошбақажуриш бўлаётган соҳаларга ҳам шеърят етишмаётгандир. Яна ким билсин.

Ислomжон ҚўЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»

АФҒОНИСТОН ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ

Жануби-ғарбий Осиёнинг энг чекка шарқий қисмида жойлашган Афғонистон Ислом Республикаси Қуролли Кучларининг асосий турларидан бири ҳисобланувчи Ҳарбий ҳаво кучлари (ҲҲК) зиммасига Қуруқликдаги қўшинлар ва махсус операциялар кучларини бевосита авиацион қўллаб-қувватлаш, ҳаво разведкасини олиб бориш, юклар ташиш ва қўшинларни белгиланган ҳудудларга етказиш каби вазифалар юкланган. Ҳозирги даврда умумий сони 8,1 минг кишини ташкил этувчи ҲҲК мамлакат ҳудудида жойлашиб олган халқаро террорчилик ташкилотлари ва минтақавий экстремистик гуруҳлар жангариларига қарши курашда фаол иштирок этмоқда.

Бу турдаги қўшинлар мудофаа вазири ва Бош штаб бошлиғига бўйсунувчи ҲҲК кўмондони томонидан бошқарилади. ҲҲК штаби асосий бошқарув органи ҳисобланади. Бу штаб тегишли куч ҳамда воситаларнинг жанговар шайлиги ва жанговар қобилиятини такомиллаштириб бориш, ривожланиш ва модернизация дастурларини амалга ошириш, жанговар қўллаш, оператив ва жанговар тайёргарлик режаларини ишлаб чиқиш ва бажариш, қисм ва бўлинмаларни авиацион ва бошқа турдаги техника билан таъминлаш, шунингдек, фрон тортти ва техник таъминот ишларини ташкил қилиш билан шуғулланади.

Ҳарбий ҳаво кучлари таркибига қўшилмалар (авиация қанотлари) ва қисмлар (авиация эскадрильялари, вертолёт эскадрильялари, алоҳида вертолёт отрядлари), шунингдек, Ҳарбий авиация университети қиради. Қўшин тасарруфида 22 та жанговар авиация ҳамда 28 та ёрдамчи авиация самолёти, 86 та жанговар ва 3 та ёрдамчи авиация вертолёти бор. Жанговар авиация қисмлари А-29 «Супер Тукано» типидagi штурмчи, ёрдамчи авиация эса С-130 «Геркулес» типидagi Ҳарбий транспорт ҳамда «Цесна-208Б» типидagi ўқув самолётлари билан таъминланган. Бундан ташқари, жанговар техника таркибидан MD-530F, Ми-25, Ми-35 типидagi зарбдор, шунингдек, Ми-17, «Читал» ва УН-60 русумли транспорт вертолётлари ҳам жой олган.

Афғонистондаги аэродромлар тармоғида 1980-йиллар охиридан буён деярли ҳеч қандай жиддий ўзгаришлар бўлмаган. Ҳарбий ҳаво кучлари 62 та аэродром ва вертолёт майдончаларидан фойдаланиши мумкин, улардан 18 таси бетон ёки асфальт қопламали учиб-қўниш йўлаги билан жиҳозланган. «Кобул», «Қандаҳор» ва «Шинданд» асосий авиабазалар ҳисобланади.

Ҳозирги даврда Афғонистон Ҳарбий ҳаво



кучлари қурилиши 2023 йилгача мўлжалланган ривожланиш дастурига мувофиқ амалга оширилмоқда. ҲҲКнинг Қуруқликдаги қўшинлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш имкониятларини ошириш мақсадида ташкилий-штат тузилмасини оптималлаштириш, ўқувчилар ва техник таркибнинг жанговар тайёргарлик даражасини ошириш режалаштирилган. Хусусан, «Мозори-Шариф» авиақанотини шакллантириш, унга «Кобул» авиақанотига тегишли авиатехниканинг маълум қисмини ўтказиш, шунингдек, ҲҲК шахсий таркиби сонини 11,1 минг кишига етказиш кўзда тутилган.

Бу турдаги қўшинларнинг жанговар салоҳиятини АҚШда ишлаб чиқарилган А-29 «Супер Тукано», АС-208 «Комбат Караван» типидagi енгил штурмчи самолётлар, MD-530F ва УН-60 вертолётларини харид қилиш ҳисобига ошириш режалаштирилган. Бу мақсадларга 7 млрд доллар ажратилиш кўзда тутилган. 2023 йилга бориб ҲҲКнинг авиация техникаси парки 259 та самолёт ва вертолётга етказилиши мумкин.

Учувчи ва муҳандис ходимларни замонавий авиация техникасини қўллаш ва уларга хизмат кўрсатиш дастурлари бўйича тайёрлаш Афғонистон, АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари ва Чехияда амалга оширилмоқда. 2023 йилга бориб УН-60 вертолётларини бошқарувчи 179 та, MD-530F учун 53 та, А-29 «Супер Тукано» штурмчилари учун 19 та экипаж шакллантирилиши кўзда тутилган.

2015 йилнинг май ойида «Похантун-е Хавайн» номли Ҳарбий авиация университетининг биринчи битирувчилари ҲҲК таркибига қўшилди.

Мазкур ўқув юрти йилига 190 нафаргача ҲҲК офицерларини тайёрлайди. Бу ерда тингловчилар махсус фанлардан ташқари ислом дини асослари ва инглиз тилини ўрганадилар.

Россияда ишлаб чиқарилган авиация техникасида аста-секин воз кечиш бу турдаги қўшинларда амалга оширилаётган ислохотларнинг алоҳида йўналиши ҳисобланади. Шунга мос равишда Ми-8 ва Ми-17 типидagi вертолётларни тўлиқ УН-60 вертолётлари билан алмаштириш режалаштирилган. Вашингтон АҚШ Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли авиация техникаси таркибидан чиқарилган ва модернизация қилинган вертолётларни Кобулга етказиб бериш ниятида эканлиги айтилган. Шунга боғлиқ равишда, яқин ўн йил мобайнида 500 нафар учувчи ва 800 нафарга яқин техник мутахассислар тайёрлаш зарурати юзага келган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, режалаштирилган тадбирлар амалга оширилганидан сўнг Афғонистон Ҳарбий ҳаво кучлари тез орада чегараланган доирадаги вазифаларни самарали ҳал қилиш имконига эга бўлади. Мамлакат Қуролли Кучлари, шу жумладан Ҳарбий ҳаво кучларининг изчил ривожланишига Афғонистонда ҳўкм сураётган мураккаб ва нотинч сиёсий-ҳарбий вазият, авиация парки ресурсининг эскирганлиги, қисм ва бўлинмаларнинг бутланиш даражаси талабга жавоб бермаслиги, учувчи ва техник таркибнинг малакаси пастлиги ва бошқа сабаблар тўсқинлик қилмоқда.

Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

КАРАНТИНДАН ХОЛИ ДАВЛАТ



Швеция Европа Иттифоқи таркибидаги кескин карантин чораларини қўлламаган ягона мамлакат бўлиб турибди. Қироллик Бош вазири Стефан Лёвен ўз фуқароларига руҳан COVID-19 билан касалланганлар сони ортиб боришига тайёр туришни маслаҳат берган.

«Spiegel Online» нашри хабарига кўра, яқинда ҳукумат 500 кишидан ортиқ тўпланмаслик тўғрисида қарор чиқарган. Маълумотларга кўра, Швецияда 3 000 киши коронавирус билан зарланган, 100 дан зиёд беморлар вафот этган.

КЕМА ПОРТЛАРГА КИРИТИЛМАЯПТИ



Holland America Line саёҳат компанияга қарашли, бортида 1 800 йўловчиси бор Zaandam саёҳат кемаси ҳеч бир мамлакатнинг портига киритилмаяпти. Компания раҳбари Органдо Эшфорднинг маълум қилишича, кема бортида коронавирусга чалинган тўрт нафар йўловчи вафот этган. Панама ҳукумати портларида тўхтамаслик шарти билан лайнернинг Панама каналига киришига рухсат берди. Associated Press ахборот агентлигининг ёзишича, касаллик аломатлари бўлмаган айрим йўловчилар ушбу компанияга қарашли Rotterdam кемасига олиб ўтилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

НАТОДА ЯНГИ АЪЗО



27 март куни Шимолий Македония НАТО га аъзо бўлди ва шу тарихида ушбу Ҳарбий блокка қўшилган давлатлар сони 30 тага етди. Брюсселдаги бош қароргоҳ олдидаги майдонда Шимолий Македонияни НАТО га қабул қилиш, ушбу давлат байроғини ҳам кўтариш маросими бўлиб ўтди.

НАТО Бош қотиби Йенс Столтенберг ва Шимолий Македониянинг ташкилот қошидаги ишончли вакили Зоран Тодоров коронавирус пандемияси боис, қарийб бўш майдонда нутқ сўзлади.

ЎҚИНГ, БУ ҚИЗИҚ!

Олам ва Одам

● Платон инсон юрагини «эҳтирослар макони» деб атаган. Дарҳақиқат, киши хурсанд бўлганда ёки қаттиқ ғамга ботганда юрак одатдагидан тезроқ ура бошлайди.



● Машина 32 км масофани босиб ўтиш учун қанча энергия сарфласа, юрак ҳам организм учун ҳар куни шунча энергия сарфлайди. Олимларнинг аниқлашича, юракнинг инсон ҳаёти давомида ишлаб чиқарган энергияси Ойга бориб келиш учун етар экан.




● Нима учун тиббиёт ходимлари оқ халат кияди? Ажабланарлиси шундаки, тадқиқотчилар ҳам тиббиёт рамзига айланган ушбу кийимнинг пайдо бўлиш тарихи ҳақида ҳалигача битта келишувга кела олишмаган. Биласизми, XIX асрнинг иккинчи ярмигача жарроҳлар умуман халат кийишмаган. Бунинг ўрнига улар фартук ва энгликлар кийганлар. Ўша вақтда бошқа шифокорларнинг ҳам махсус кийими бўлмаган. Фақатгина 1860-йилларда инглиз шифокор-гигиенисти Жозеф Листер антисептиклар назариясини ишлаб чиқди ва ундан кейин тиббий либослар тарихи бошланди. Секин-аста фартуклар ва ниқоблар амалиётга жорий қилинди. Оқ халатларни биринчи бўлиб 1870 йилда Франция – Пруссия уруши пайтида

немислар доимий амалиётга киритган. XX аср бошларида жарроҳликда оқ фартуклар, қалпоқча ва ниқоблардан фойдаланиш аллақачон кенг тарқалган эди. Аммо 1918 йилда ўн миллионлаб кишиларнинг ҳаётини олиб кетган инсоният учун «қотил испанка» умумжаҳон эпидемиясидан сўнг халат ва қалпоқчаларни кийиш нафақат жарроҳлар орасида, балки бошқа шифокорлар орасида ҳам кенг оммалашади.

● Инсонларни фақат урғочи чивинлар чақади! Ҳа, бу айни ҳақиқат. Зоологларнинг фикрича, урғочи чивинларнинг тухум қўйиши учун уларга кўп миқдорда протеин керак бўлар экан, чивинлар эса ўзлари учун керак бўлган протеинларни инсонлардан олишади.

● Сиз баковуллар ҳақида эшитгансиз, аммо уларнинг вазифаси нималардан иборат эканини биласизми? Хонлик даврларида баковуллар саройларда яшашган. Уларнинг вазифаси эса хонга тортиладиган таомларнинг таъминини, мазасини, унга заҳар солинган ё солинмаганини билиб бериш бўлган.



● Теннисга қизиқувчи кишилар Роланд Гаррось корти ҳақида албатта эшитишган. Аслида Роланд Гаррос 1888 – 1918 йилларда яшаган ҳарбий учувчи бўлиб, аслида у теннисни ёмон кўрган. Унинг дўстлари ва шериклари ўзлари учун аэродром ёнига катта теннис корти қуришади ва дўстлари Роланднинг жиғига тегиш учун бу кортни унинг номи билан аташади. Қарангки, ушбу корт ҳалигача унинг номи билан аталади.



● Одамнинг киприклари қанча яшаши ҳақида эшитгансиз? Киши ҳуснига ҳусн қўшувчи, кўзни чанг-ғубор зарралари ва майда ҳашаротлардан сақлаб турувчи киприклар ўртача 90 кун яшар экан.



● Азалдан Шарқда дўппини аёллар тикиб, тўй-ҳашамларда ўзлари эркакларга кийдиришган. Бу аёлларнинг эркакларга бўлган чексиз ҳурматини ифодалаган. Эркаклар эса аёлларга бефарқ эмаслигини, қолаверса, аёллар олдида ўз хокисорлигини билдириш мақсадида аёллар махсусини тикишган. Ҳайратланарлиси, бу анъана ҳозир ҳам давом этиб келмоқда. Тарихда ва ҳозирги кунда ҳам бирорта махсидўз аёлнинг бўлмагани фикримиз исботидир.



● Агар ҳақиқий кеманинг ўзини ёки унинг суратини кўрган бўлсангиз, унинг корпусида икки қатор сув чизиги, яъни ватерлиния тортилган бўлади. Бу чизиқлар агар кема чучук сув бўйлаб ҳаракатланса, биринчи чизиқча, шўр сув бўйлаб ҳаракатланадиган бўлса, иккинчи

чизиқча юк ортиши мумкинлигини билдиради. Шўр сувнинг зичлиги чучук сувдан кўпроқ экани бунга сабаб экан.

● Ҳинду қабилаларда исм жуда керакли деталь ҳисобланади. Улар исмларни ташқи кўриниши, фазилати ва характерига қараб белгилашган. Эркакларни ўткиртиш, лочинкўз, бургуттумшук, аёллари узунсочлайлак, чаққонбалиқ ва ҳоказо каби. Одатда исмдан чақириш, буйруқ ё топширик бериш мақсадида фойдаланилади. Шу сабабли хиндулар кар-соқов туғилганларга эшитмаса, исмни увол қилиб нима қиламиз, деб чақалоқча ном беришмас экан.



● Шимолий Америка хиндулари қаттиқ бақиришдан яхши қурол сифатида фойдаланишган. Шунинг учун улар болаларини жуда кичкиналик пайтидан бошлаб тоғлар тагига ва дараларга олиб чиқиб, кучли ва қаттиқ бақиришни ўргатишади. Биласизми, хиндулар бу «қурол»ни ишлатганда ҳатто бизон хушидан оған, айиқлар эса кўрқиб, дарахтга чиқиб кетган экан.

● 1938 йил электрокурткалар ихтиро қилингунга қадар қиличбозлар оқ рангли кийимда, қиличларини сиёҳга ботириб олиб, мусобақаларда иштирок этишган. Нега оқ ранг дейсизми? Чунки бу ранг ҳар икки томоннинг ҳисобда адашмаслиги учун ёрдам берган.

Г. МУРОДОВА тайёрлади.

«КОРОНАВИРУС» СЎЗИ ИШЛАТИЛМАЙДИ



Туркменистонда аҳолига коронавирис ва пандемия тўғрисида гаплашиш, журналистларга эса «коронавирис» сўзини ишлатиш тақиқланди. «Чегарасиз мухбирлар» (RSF) халқаро ташкилотининг маълумот беришича, ҳаттоки мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мактаб, касалхона ва корхоналарга тарқатилган брошюраларда ҳам касаллик номини ёзиш ман қилинди.

Туркменистон ҳукуматининг расмий маълумотида кўра, мамлакатда коронавирисга чалиниш билан боғлиқ бирорта ҳам ҳолат қайд этилмаган.

ИЧКИ БОЗОРГА КИРИТИЛМАЙДИ



Россиядан бензин, дизель ва авиация ёнилғисининг Қозоғистон ички бозорига киритилиши вақтинча тақиқланган.

Тақиқлов 31 мартдан киритилган. Қозоғистон, шунингдек, бензин ва нефть маҳсулотлари экспортини ошириш бўйича чоралар кўрмоқда.

Қозоғистонда 16 мартдан коронавирис тарқалиши олдини олиш мақсадида фавқулодда вазият режими амал қилмоқда. 19 мартдан эса Қозоғистоннинг энг йирик иккита шаҳри – Нур-Султон ва Олмаота карантинга ёпишган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ОЛИБ ЧИҚИШ ТАҚИҚЛАНДИ



Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) давлатларидан коронавирис пандемияси сабаб қатор озиқ-овқат маҳсулотлари олиб чиқилиши тақиқланди. «ЕОИИ давлатларидан бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари олиб чиқилишини вақтинча тақиқлашга қаратилган чоралар қабул қилинди. Бу маҳсулотлар орасида пиёз, саримсоқ, шолғом, гуруч, гречка, жавдар, тарик, ёрма, йирик тортилган ун, гречкадан тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари, майдаланган ва майдаланмаган соя дуккаги ва кунгабоқар уруғи бор. Уларнинг олиб чиқилиши 30 июнгача тақиқланади», дейилган хабарда.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

Ўзбекистон комсомолининг раҳбари лавозимида фаолият олиб бораётган Азиз Ҳакимович Челябинскдаги меҳнат фронтига жўнатилди. У ерда азобли, изтиробли кунларни бошидан кечириётган тўрт мингга яқин ўзбеклар бор эди. Шахсан Усмон Юсупов Азиз Ҳакимовичга ишонч билдирди, уларнинг саломатлиги, яшаш тарзи билан чуқур танишиб, имкон даражасида ёрдам бериш кераклигини уқтирди. 1943 йил ёз ойлари. Гитлернинг тиши синиб, ортга чекиниб борарди. Шу кўйи Азиз Ҳакимович қарийб уч ойгача у ерда касал ва яроқсизларни уйига қайтариш ва бошқа зарур ишлар билан шуғулланиб, 1943 йил август ойининг иккинчи ярмида Тошкентга, шанба оқшомида ўз хонадонига, ота-онаси ҳузурига етиб келди. У ўзини анча одирган эди...



Абдуҳаким ака билан Қарияхон ая хонадони аъзолари – бутун оила бут бўлиб дастурхон атрофига тўпланишганди. Сўхбат тун яригача давом этди. Ниҳоят ҳамма дам олиш учун кўзгалаётганида Абдуҳаким ака ўғли Азизга деди:

– Ёдингиздами, ўғлим, бизни қийноққа солган йили «халқ душмани» деб қамалиб кетган Шогафур Шомансуров амакинги оқланиб, оиласига қайтиб келди.

– Шунақами?! Кўп яхши иш бўлибди-да, дада. Сизга у кишини «халқ душмани» эканини тасдиқлайсан, деб қистовга олганлари ҳам эсимда!

– Ҳа, нимасини айтасиз, ўғлим. Кечикиб бўлса ҳам ҳақ қарор топибди. Бечора хотини уч кизи билан чиркираб қолиб кетганди. Шогафур амакинги билан қалин дўст эдик. Йигирма йиллар сафдош бўлиб ишладик. Ҳалол одам эдилар. Ўша «учлик» аъзоларининг ўзи «халқ душмани» эканини аниқланди-да, Шогафур акага ўхшаган гуноҳсизлар оқлана бошлади. Ўғлим, йўлда ҳориб келгансиз, яхши дам олинг, эртага аянги билан биргаликда Шогафур амакингиздан ҳол-аҳвол сўраб келармиз.

– Хўп, дада, албатта борамиз, сиз ҳам яхши дам олинг.

Чошгоҳда Советский кўчасида жойлашган Шогафур Шомансуровнинг хонадонига Азиз Ҳакимович ойиси ва дадаси билан кириб келди. Шогафур ака кунда-кунора Абдуҳаким ака билан Қарияхон аянинг келиб, хабар олишларига кўникиб қолганди. Уларнинг дарвозадан кириб келиши биланок, хирилдоқ овозда, кираверинлар, деганча айвондан ичкари уй эшигини очиб, Фахруш аяга имо қилди-ю, меҳмонларга пешвоз чиқди.

– Э-э-э! Азизжон келибдилар-ку! Ойиси кўрпачани қалинроқ тўшанг, Азизжон келяптилар!

Шогафур ака аввал Абдуҳаким ака билан, кейин Қарияхон ая билан сўрашиб, Азизжонни бағрига босди. Дастурхон атрофида сўхбат қизгин давом этди. Азизжон ўзининг кўрган-кечирганларини гапиришдан кўра, Шогафур аканинг аччиқ саргузашларини эшитишни жуда-жуда истарди. Ниҳоят Шогафур амаки босик, хирилдоқ овозда хўрсиниб гап бошлади.

– Азизжон, ўзингиз бир учини кўриб келдингиз Сибирнинг қахратон қишини. Ўрмонда қирқ-эллик даража совуқда дарахт кесамиз. Ётоқхонамиздан бўронда адашиб қолиб кетмасин деб сим тортилган йўлакдан мол ҳайдагандай олиб бориб, олиб келишарди. Берган бир чўмич суюқ овқатидан тошбақанинг тирноқлари, оёқлари-ю бош суякларини чикарди. Жон сақлаш учун емай иложимиз қанча...

ҳам мажолим йўқ, мана шу айвонга бир амаллаб кўтарилдим, дахлиш эшигини секин тақиллатдим. Фарида қизим эшикни очди. Кўзларим нурсиз, унга тикиламан, катта қиз бўлиб қолибди. Ҳозир ҳамма хурсанд бўлиб, қийқириб, чопишиб менга ёпишсалар керак деб ўйлайман... Минг афсуски, ундай бўлмади. Бир сўз қулоғимни том битирди:

– Ойи, гадой, гадой келди! – деди ўз фарзандим мени танимай. Мен эса: «Қизим, менман, дадангман», демоқчи бўламан-у, қани энди овозим чиқса, бўғзимга тикилган ёнғоқдек чўғ-олов димоғимни куйдирарди, овозимни чиқаришга йўл бермасди. Ўша чўғ тафти ва кўз ёшларим юзимни ҳам куйдира бошлади. Ичкаридан хотинимнинг овози қулоғимга элас-элас эшитилди, карахт бўлиб қолдим.

«ОЙИ, ГАДОЙ, ГАДОЙ КЕЛДИ!»

– Бир бурда нон бериб юбор. Гадой ҳам ўлсин, кўртдай қайнамай, бериб юбор, бўла қол! – деди. Эшик яна қайта очилиб, Фаридахон қизим менга бир бурда нон узатди.

– Манг, олин!

Мен қизимга қўлларимни чўздим. У эса титраётган панжаларимга нонни тутқазди-ю, ортга буриллар экан, «қанақа гадой бу, раҳмат ҳам демайди», деб эшикни тарс ёпди-да, уйга кириб кетди. Мен турган жойимда музлай бошладим. Томоғимга тикилган олов энди ёнғоқдек музга айланганди...

Қўлларимда ўз жигаргўшам эҳсон қилган нон, олдинга интиламан, хира кўзларим эшикка тикилган, қўлларим чўзилган ҳолатда ҳайкал бўлиб қотиб қолгандим. Бу қанча давом этди билмадим. Бироздан сўнг ўзимга келиб, яна эшикни қоқдим. Эшик очилиб, ёстиқдошим ғира-шира кўз ўнгимда пайдо бўлди. У:

– Бояги гадой ҳалиям турибдими? Нима бало ё бошқасими? Боринг, кетинг! Кетинг, – дея мени айвондан паства қизим билан икковлашиб итариб юборишди...

Мен, дармонсиз банда елкамдаги йиртиқ халтам билан ерга юзтубан думалаб тушдим. Йўл-йўлаккай териб халтага жойлаганим – бўш консерва қутиларининг ёқимсиз шақир-шўқур овозига жўр бўлиб йиғи аралаш хирилдоқ овоз билан бўзлай бошладим. Улар изига қайтаётганда тилим ҳам ҳаракатланиб бўғиқ товущда:

– Эй, хо-хо... хо-тин, ме-ме-менман, – дея олдим, холос. Ҳўнграб йиғлаб юбордим.

Хотиним овозимдан таниб, «даданг, қизим, даданг», деганча югуриб қўлтиғимдан олди. «Югур, қизим. Вой ўлмасам, нима қилиб қўйдик, нима қилиб қўйдик?.. Дадаларинг келибди, вой ўлмасам! Тезроқ чақир сингилларингни, қўшниллар кўрмасин, тез уйга олиб кирайлик», деганча пиқ-пиқ йиғлаб, қизларим билан мени бир амаллаб уйга киритишди... Барака топкурлар, ўн кун кўни-кўшннига менинг келганимни билдирмай, ювиб-тараб, сал рангим киргандан кейин сизларникига хабар қилишди...

Отангизга, дўстимга минг раҳмат, шундан буён бўзчининг мокисидай мендан хабар олиб турибди, дунё тургунча турсинлар. Беҳад миннатдорман, Оллоҳимга шукрлар бўлсин!

Шогафур амакиннинг ҳижося қалбимни тилка-пора қилди. Аянчли воқеа эди бу. Минг афсуслар бўлсинки, Шогафур амаки орадан уч-тўрт ой ўтар-ўтмас оламдан ўтдилар. Олти йиллик изтиробга тўла аччиқ кечмиш ўз ишини қилган эди. Фахруш ая умр йўлдоши Шогафур амаки жасади устида йиғларкан, бутун олам титради:

– О-о-о! Оиламни, қизларимни «халқ душмани»нинг фарзандлари деган тамгадан дариг этиш учун умрингизни атиги тўрт ойгагина чўзиб келган экансиз-да! Улар бахтига зомин бўлмай, деган экансиз-да, ох, ох! О-о-о...

Норкул БЕКМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



BAG'RI KENG QO'ZIQORIN

Qora bulut osmonni qoplab, chaqmoq chaqdi. Sharros yomg'ir yog'a boshladi. Eh, bu yomg'irda o'rmonda qolganlarga havas qilmaysan-da!

Mana, chumoli ham yomg'irdan qayerga berkinishni bilmay chopqillayapti. U: "Voy, qayerga berkinaman!" deya qo'ziqorinning tagiga yashirinib oldi. Shu vaqt qanotlari ho'l bo'lgan kapalak zo'rg'a uchib kelib:

- Chumolijon, meni ham yoningda kirit. Yomg'irda shalabbo bo'ldim, - deb iltimos qildi. - Seni qayerga kiritaman? O'zi kichkina qo'ziqorin bo'lsa! - chumoli shunday dediy-u, l e k i n kapalakka rahmi kelib, y o n i g a

chaqirdi.

Ikkovlon yomg'irni tomosha qilib, suhbatlashib turishsa, uzoqdan yugurganicha sichqoncha keldi va ulardan:

- Iltimos, meni ham yoningizga oling. Yomg'irda bo'lganimcha bo'ldim, - dedi yalinib.

- Qiziqmisan, seni qayerga kiritamiz? Shundoq ham joy tor bo'lsa! - deyishdi. Ammo rahmlari kelib, sichqonchani ham qo'ziqorin panasiga olishdi.

Bir payt qo'ziqorin atrofida chug'ur-chug'ur qilib, chumchuq paydo bo'ldi. Qo'ziqorinning panasiga yashirinishni istab, yolvordiy:

- Iltimos, menga rahmingiz kelsin. Yomg'irdan sillam qurib ketdi.

Chumoli chumchuqqa tushuntirishga harakat qilib turganida qayerdandir quyuncha chopqillab kelib, o'zini qo'ziqorin panasiga yashirdi.

- Meni yashiringlar, ortimdan tulki quvib kelyapti.

- Bechora quyuncha, uni yashirmasak bo'lmaydi, - chumolining rahmi kelib, boshqalarning biroz surilishini so'radi. Quyuncha endigina yashiringanida tulki hovliqqancha paydo bo'ldi.

- Shu yerdan quyuncha o'tmadimi? - so'radi u. - Yo'q, ko'rmadik, - bir ovozdan javob berishdi,

hammalari. Ammo tulki ularning gapiga ishonmay, qo'ziqorinning atrofini hidlay ketdi.

- Shu yerga berkinmadimikan? - shubhalandi tulkiyov.

- Qayerga ham berkinardi, qara, o'zimiz zo'rg'a siqilib turibmiz-ku! - javob berdi chumoli. Tulkiyov ortiga qaray-qaray, ketishga majbur bo'ldi.

Yomg'ir asta tindi va osmonda yana quyuncha charaqladi. Qo'ziqorin panasidagi jonivorlar birin-ketin chiqishdi. Chumoli o'ylanib qoldi va dedi:

- Bu qanday bo'ldi?

Kichkina qo'ziqorin bir o'zini pana qilishi mumkin desam, beshalamiz sig'ibmiz-a?

Shu vaqt kimningdir kulgani eshitildi:


- Vaq-vaq-vaq! Vaq-Vaq-vaq!

Hammalari baravar qo'ziqorinning tepasiga qarashdi. U yerda bir qurbaqa o'tirib olganicha ularga qarata:

- Eh, sizlarni qaranglar-u! Axir, bu qo'ziqorin-ku! Qurbaqa so'zini tugatmay, sakrab-sakrab o't-o'lanlar orasida g'oyib bo'ldi.

Do'stlar qo'ziqoriniga bir qarashdiyu, qanday qilib, beshalasining bitta qo'ziqorin tagiga sig'ishganini tushunishdi.

HIKMATLAR XAZINASI



Tengdoshlaringiz ijodidan

Shifokorlar

Oq xalatlil farishta,
Opajonlar, tasanno.
Oq xalatlil farishta,
Akajonlar, tasanno!

Tun-u kun siz ishlaysiz,
Tinmaysiz mehnat qilib.
Xasta yotgan bemorga,
Yordam berasiz kulib.

Xalqning g'amida yurib,
O'ylamaysiz o'zingiz.
Xizmat qilib tinmaysiz,
Yordam berar Robbingiz.

Minnatdormiz biz sizdan,
Hardam bo'ling sog'-omon.
Aslo horib, charchamang,
G'amgin bo'lmang hech qachon.

Xuddi sizday bo'lamiz,
Asrab o'zimizni biz.
Aytganingiz qilamiz,
Hech ham kasal bo'lmaymiz!

Jasmina ALIMOVA,
4-sinf o'quvchisi

Ko'klam tarovati

Atrof go'zal, hushhavo,
Osmon tiniq musaffo.
Sho'x bulbullar sayrashar,
Bizga shodlik ulashar.


Daraxtlar-chi, oq gulga,
Burkanishib olishgan.
Bolarilar hididan,
Mast bo'lishib qolishgan.

Turli bayram, tantana,
Hammamizga yoqadi.
Bahorning darakchisi,
Yana chiroy ochadi.

Nigina ZAKIROVA,
6-sinf o'quvchisi




Ranglar jilosini



НИМА, ҚАЧОН, ҚАЕРДА

биринчи марта содир бўлган?



радар билан жиҳозланган биринчи ҳарбий кема ҳисобланади.

Биринчи ҳаво радари устидаги ишлар 1936 йилнинг кузида Англиядаги Телекоммуникацияларни ўрғаниш марказининг Ҳаво тадқиқотлари гуруҳи томонидан олиб борилган. Кейинги йилнинг март ойида радар қурилмаси билан жиҳозланган самолётнинг биринчи синов парвози амалга оширилган. 1937 йилнинг 1 сентябрь куни Ла-Манш бўғозида иккита Англия ҳарбий кемасининг аниқланиши ASV (Air-to-Surface Vessel) типидagi радарнинг биринчи муваффақиятига айланган. 1939 йилнинг сентябрида ASV типидagi радар тизимлари 217- ва 270-эскадрильяларнинг жанговар самолётларига ўрнатилган. Сув устидаги нишонларни аниқлаш учун хизмат қилувчи ASV радарлари билан бир вақтда, душманнинг бомбардимончи самолётларини аниқлаш имконини берувчи AI (Airborne Interception) тизимини яратиш устида иш олиб борилган. 1939 йилнинг август-сентябрь ойларида бундай радарлар дастлабки 30 та самолётга ўрнатилган. AI радарни билан жиҳозланган дастлабки қирувчи самолётлар 1940 йилнинг ёзида жанговар техника таркибидан жой олган. Бу даврда ҳали бошқа мамлакатларда бундай тизимларнинг бўлмаганлиги Англияга душман устидан катта устунликка эришиш имконини берган.

Биринчи радиоалоқа 1866 йилнинг 21 июлида Малон Лумис томонидан Вашингтонда амалга оширилган. Уша йилнинг октябрь ойида Лумис Виржиния штатида 20 километр масофага радиосигнал узатишга муваффақ бўлган. 1872 йилнинг 20 июлида Лумис дунёда биринчи бўлиб телеграфга патент олган, кейинги йилнинг январидан эса АҚШ Конгресси 2 миллион доллар миқдорда акциялар чиқариш ҳуқуқига эга бўлган «Лумис Эриал Телеграф Ко.» фирмаси ташкил этилишини маъқуллади.

П. СОБИТОВ тайёрлади.

ХУШЁР БЎЛИНГ!

Аҳли элим — азизларим,
Ёвдек босиб келди вирус.
Бу офатга бўлманг таслим,
Ҳозир уйда қолмоқ дуруст.

Чин юракдан англаб етинг,
Давлатимиз даъватини.
Бурчингизни адо этинг,
Олинг Аллоҳ шафқатини.

Шифокорлар — шифо жонлар,
Парвонадир тонгу тунда.
Жонини ҳам аямасдан,
Хизматингиз қилар бунда.

Сизни омон асрай дея,
Юрт эрлари доим бедор.
Ҳурмат қилинг, ҳар илтимос,
Ҳар ўғитни қилманг инкор.

Биргаликда енгиш керак,
Шафқати йўқ бу офатни.
Хулоса қил, дунёга боқ,
Ўтказмагил бир фурсатни.

Бедор бўлинг, хушёр бўлинг,
Олға юрсин ҳар қадамлар.
Ватан гуллаб-яшнаш керак,
Лоқайд бўлманг, эй одамлар!

Ҳижрат ҳожи ан
МУВЖИҚОРОВА
Фарғона вилояти,
Риштон тумани

БИР ЧИМДИМ

Қурт охирзамон деб
атайдиган нарсани
ўқитувчи капалак дейди.

Ричард Дэвид БАХ



БИЛАСИЗМИ?

Барчага маълумки, ҳамма даврларда қилларга жуда паст назар билан қаралган. Аммо Парфия давлатида қилларга дўстларча муносабатда бўлишган. Сабабини биласизми?

«nelle gimmet del
-lul inicosse lnninidexmel
tagavet lb innl»
Жавоб:

БИЛАСИЗМИ?

Лев Толстой «Уруш ва тинчлик» асарида армия тузилишини, сафини, яъни оддий аскарлар, кейин офицерлар, кейин саркардалар ва қўшин бошида қўмондон жойлашини бир нимага қиёслаган. Толстой армия тузилишини нимага ўхшатган эди?

«лидрарига
Жавоб: презида. Миср

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Калит ҳақида
ҳикоя

Энг
яхши танклар

VATANPARVAR

Муассис:

Бош муҳаррир:

майор
Ахрор ОЧИЛОВ

Навбатчи:

майор
Гулнора ҲОЖИМОРОВОДА

Саҳифаловчилар:

лейтенант
Рамиз ВАЛИЕВ

III даражали сержант
Олим БЕРДИЕВ

Мусахҳиҳлар:

Зебо САРИЕВА
Сайёра МЕЛИҚУЗИЕВА
Мастура ҚУРБОНОВА

Телефонлар:

71-260-36-50
Факс: 71-260-32-29.

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-462
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 35 827 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акция-дорлик компаниясида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz